




VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com

15 январь, 2013 йил №22




3 Бет

АМЕРИКА МОЛИЯВИЙ ЖАРЛИККА ҚУЛАМАДИ!

Сўнги йилларда АҚШ бюджетини шакллантириш мамлакатни бошқараётган кучлар ўртасида бир-бирига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос йўли бўлиб бормоқда. Янги йил байрами ҳам худди шундай баҳс-мунозарага бой бўлиб, америкаликларни жиддий ҳавотирга солди. Гап шундаки, мамлакат “фискаль жарлик” ёқасига бориб қолган эди.

“Фискаль жарлик” (инглиз тилида fiscal cliff)—бу, бир қатор қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши боғлиқ масала бўлиб, улар агар АҚШ ҳукумати тегишли чоралар кўрмаса 2012 йил 1 мартдан, яъни молия йили бошидан автоматик тарзда кучга кириши керак бўлган ҳужжатлардир. Унга кўра, президент Жорж Буш даврида қабул қилинган катта даромад олувчи шахслар учун солиқ имтиёзларининг муддати тугаб, айни чоғда олдинроқ қабул қилинган қонунга мувофиқ, давлат бюджети харажатлари кескин қисқартирилиши керак эди.



4 Бет

‘Унутма, ҳар бир қўл телефонида муслмон Ўзбек яширин!’

Атоқли Британ журналисти Эндью Марр жаҳон тарихи ҳақида Би-би-си телеканали учун тайёрлаган телекўрсатувларидан бирида ал-Хоразмий ҳақида гапириб, худди ана шундай хитоб қилади.



6 Бет

Ватандошлар дийдорлашганда... “Мурувват”нинг беназир муруввати

Америкадаги “Мурувват” маркази ҳам ватандошлар бошини қовуштириш, улар билан бир пиёла чой устида суҳбат уюштиришни хайрли анъанага айлантирган. Нью-Йоркда ташкил этилган бу йилги Янги йил ...

Ўзбек мумтоз мусиқасининг жонкуяри эди

Таниқли ўзбек мусиқашунос олими, маҳоратли созанда Абдурахим Ҳамидов 61 ёшида оламдан ўтди.



7 Бет



7 Бет

Олимжон Шарипов Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти раиси этиб сайланди

Яқинда Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти (ЧУАЖ) ҳайъат аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамиятнинг раҳбар органлари учун ўтказилган сайлов натижалари кўриб чиқилди.

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: www.vatandosh.com Реклама учун тел: (212) 372-3050

НЬЮ ЙОРК → ТАШКЕНТ → НЬЮ ЙОРК
ПРЯМОЙ! УДОБНЫЙ! РОДНОЙ!



Только на нашем рейсе для Вас:
2 место багажа по 32кг на каждого пассажира старше двух лет БЕСПЛАТНО!

Tel: 201-944-4474 • Fax: 201-944-4407 • 400 Kelby St. 16th Floor Fort Lee, NJ 07024

АҚШда янги конгресс иш бошлади

АҚШда парламент янгиланди. Бу мамлакат тарихидаги 113-Конгресс иш бошлади. Қонунчилар қасамёд келтириб, Америка олдида турган мураккаб муаммоларни ечишга бел боғлаган.

АҚШнинг янги сайланган Конгресси бугун ўзининг илк мажлисига тўпланади. ҚШнинг янги сайланган Конгресси бугун ўзининг илк мажлисига тўпланади. Айти пайтда, АҚШнинг янги сайланган президенти Барак Обама Конгресс аъзоларини мамлакат иқтисодини таназулдан қутқариш борасида тезкор чоралар кўришга даъват қилмоқда. 20 январ куни қамасёдга келтирилиши кутилаётган Обама келаси икки йилга мўлжалланган 775 миллиард долларлик қутқарув режасини зудлик билан ҳаётга тадбиқ этиш ниятида эканини билдирмоқда.



Россия АҚШни Қирғизистондан сиқиб чиқармоқчи...

Алмазбек Атамбаевнинг «Манас»даги Америка авиабазаси борасидаги фикри яхши маълум: Қирғизистон президенти 2014 йилда АҚШ кетганидан кейин база ноҳарбий транспорт марказига айланишини истайди.



Алмазбек Атамбаевнинг «Манас»даги Америка авиабазаси борасидаги фикри яхши маълум: Қирғизистон президенти 2014 йилда АҚШ кетганидан кейин база ноҳарбий транспорт марказига айланишини истайди. Американинг Афғонистондаги ҳарбий вазият юзасидан режалари мужмал бўлиб турибди, шуниси аниқки, «Манас» базасидан келгусида фойдаланишга оид режалар ана шу вазиятга боғлиқ. Шундай бўлса-да, АҚШ базани ноҳарбий транспорт марказига айлантиришга Қирғизистонга ёрдам бериш нияти борлигини билдирди.

Бироқ ҳозирга келиб туман янада қуюқлашяпти: бу ишга Россия қўшилмоқчи. Қирғизистон Транспорт ва коммуникация вазирлиги яқинда «Манас» базасига мулозимлар ҳамда тижорий авиация вакилларида иборат Россия делегацияси келганини ва аэропортда рус-қирғиз ҳамкорлигидаги логистика маркази очиш

бўйича маслаҳатлашувлар ўтказганини маълум қилди.

Вазирликхабарида «Манас» аэропортида жойлашган Америка авиабазаси ҳақида умуман эслангани йўқ. Лекин базанинг логистика марказига айланиши ҳақидаги фикр АҚШнинг кетиши билан шунчалик боғлиқки, бунинг натижаси яққол аён: Россия АҚШнинг ўрнини эгаллашдан умидвор.

Бундан ташқари, Россия охири пайтлар Қирғизистонда анчайин тажовузкорона қадамлар ташламоқда. Давлатга қарашли «Газпром» компанияси «Қирғизгаз»ни буткул назоратига олишга уриниб кўрди. Кремль Бишкекка жуда катта ҳарбий ёрдам кўрсатишни таклиф қилди, россиялик мулозимлар фикрича, бу ёрдам Марказий Осиёдаги геосиёсий ҳолатни қўллаб-қувватлаш учун зарур. Шундай қилиб, Россия мулойимлик билан америкаликларга эшикни кўрсатиб қўймоқчимиз?

PUBLISHER:

Farhod Sulton

farhod@vatandosh.com

Deputy Editors:

Murod G'afurov

Mavlon Shukurzoda

Managing Editors:

Jora Bo'takoz

Lutfulla To'ra

Narkhudja Sadikov

Tamara Nazarova

Abdulvohid Sabri

Abdurahim Khamidov

Abdurahmon Mamadjanov

Hikmat Sulton

Technical Manager:

Shohruh Kenjaev

Editorial and Executive office:

2667 Coney Island Ave.

Brooklyn, NY, 11223

Phone: (212) 372-3050

www.vatandosh.com

info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher. The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view. We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

“ВАТАНДОШ”ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг! “Ватандош” ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

www.vatandosh.com/obuna

Америка молиявий жарликка қуламади

Сўнги йилларда АҚШ бюджетини шакллантириш мамлакатни бошқараётган кучлар ўртасида бир-бирига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос йўли бўлиб бормоқда. Янги йил байрами ҳам худди шундай баҳс-мунозарага бой бўлиб, америкаликларни жиддий ҳавотирга солди. Гап шундаки, мамлакат “фискаль жарлик” ёқасига бориб қолган эди.

“Фискаль жарлик” (инглиз тилида fiscal cliff) — бу, бир қатор қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши боғлиқ масала бўлиб, улар агар АҚШ ҳукумати тегишли чоралар кўрмаса 2012 йил 1 мартдан, яъни молия йили бошидан автоматик тарзда кучга кириши керак бўлган ҳужжатлардир. Унга кўра, президент Жорж Буш даврида қабул қилинган катта даромад олувчи шахслар учун солиқ имтиёзларининг муддати тугаб, айнаи чоғда олдинроқ қабул қилинган қонунга мувофиқ, давлат бюджети харажатлари кескин қисқартирилиши керак эди. Бу 2013 йилнинг ўзида 600 миллиард АҚШ долларини ташкил этар эди. Иқтисодчилар бундай тартиб мамлакат иқтисодиёти учун салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини башорат қила бошлади. Чунки бугунги кунда бюджет тақчиллигини қисқартириш учун нафақат тежамкорлик талаб этилади, балки иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Солиқ имтиёзини кўзда тутувчи қонун эса қоқ тунда (гринвич бўйича 05-00) ўз кучини йўқотган эди.

Гарчи “фискаль жарлик” таҳдиди бундан икки йил бурун кўтарилган бўлса-да, на президент, на конгресс бундай қайноқ мавзуга “бурун тиқиш”га шошилишмаганди. Шу боис ҳам 2012 йилнинг охириги икки ойи айнан “фискаль жарлик”дан қутилиш йўллари муҳокамасига бағишланди. Ўз навбатида, АҚШ президенти Барак Обама қишки меҳнат таътилини тўхтатиб, Оқ уйда “навбатчилик қилиши”га Республикачилар етакчилари



ҳамда президент маъмурияти ўртасидаги музокаралар самарасиз яқунлана бошлагач, бюджет ва молия соҳасидаги қонунчиликка ўзгартириш киритиш масаласи кўпроқ шубҳа остида қола бошлади. Шунга қарамай 1 январь куни Сенат “фискаль жарлик”ни бартараф этадиган чора-тадбирлар режасини илгари сурди. Унга кўра, АҚШда 2013 йил молия йилидан бошлаб, йиллик даромади 400 минг (оилалар даромади 450 минг) доллар бўлган америкаликлар учун солиқ юки оширилади. Демократлар эса бу кўрсаткични 250 минг доллар сифатида белгилаш учун курашишаётган эди. Ўз навбатида, республикачилар бу миқдорни 500 минг доллардан кам бўлмаслиги тарафдори эди. Хуллас, Сенат илгари сурган қонунга кўра, америкалик бойлар учун даромад солиғи миқдори кўпайтирилди.

Айни пайтда мамлакат бюджети харажатларини қисқартиришга оид қонун бўйича аниқ тўхтамга келинмаганлиги боис унинг муҳокамасини икки ойга орқага суриб туришга келишиб олинди.

Қонунни сенаторлардан 89 нафари қўллаб-қувватлаган бўлса, 8 нафари қарши чиқди. Конгресс қуйи палатаси ушбу қонунни 1 январь куни кечга яқин кўриб чиқиши керак бўлса-да, унинг муҳокамаси ҳам республикачилар партияси ичидаги қарама-қаршилиқлар туфайли кечроқ

муддатга қолдирилди. Охири-оқибат, 1 январь куни кечга яқин Вакиллар палатаси Сенат қонунини маъқуллади. Уни қўллаб-қувватлаб 257 нафар конгрессмен овоз берган бўлса, 167 нафар вакил қарши чиқди. Қонун бир неча соат ичида АҚШ президенти томонидан имзоланди.

Қонун Вакиллар палатаси томонидан маъқуллангач, Обама унга изоҳ бериб, республикачилар ва демократлар партияси ўртасида эришилган мазкур келишув унинг сайловолди кампанияси мақсадлари билан ҳамоҳанг эканлигини қайд этиб ўтди. У, шунингдек, бюджет харажатлари “мутаносиб” равишда қисқартирилиши кераклигини айтиб ўтди. Унинг фикрича, иқтисод қилиш билан боғлиқ чоралар тиббий дастурлар харажатларини қисқартирмаслиги лозим. У иккала партия раҳбарларига ташаккур билдириб, вице-президентни бу келишувга эришишдаги саъх-ҳаракатлари учун мақтаб қўйди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, янги конгресснинг ваколат муддати шу пайшанба куни, яъни 3 январда тугар эди. Шу боис президент маъмурияти янги қонунни амалдаги конгресс орқали тасдиқлатиб олишга жиддий бел боғлаганди. Акс ҳолда, янги конгресс бу ишларни қайтадан кўриб чиқиши керак бўлар эди.

ZERO

The amount added to the deficit by the American Jobs Act because it is paid for in full.

\$ 0000000000

Шу билан бир қаторда, қонун билан қуйидагилар кўзда тутилган:

- Ҳар бир америкаликка 5 миллион доллар ёки оилавий жуфтликка 10 миллион долларга тенг бўлган мерос учун солиқ ставкаси 35 фоиздан 40 фоизга ошириш;

- Пенсия ва инвестициянинг бошқа шаклларида дахлдор бўлган капитал солиғини 20 фоизгача ошириш;

- Ишсизлик бўйича нафақалар тўловини яна бир йилга чўзиш белгиланди. Бу 2 миллион нафар атрофида америкаликни қамраб олади.

- Камбағал ва кам таъминланган оилаларга кредит солиқлари бўйича имтиёзларни яна беш йилга узайтириш.

Мусақил таҳлилчилар бу қонунни жуда катта ютуқ сифатида баҳолашмаётган бўлса-да, унинг қабул қилингани мамлакат иқтисодиёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга эди. Айниқса, биржа савдолари ва инвесторларни турли шубҳалардан ҳоли этди, деб ҳисоблашмоқда.

Тўғриси, Америка иқтисодиётини “фискаль жарлик”дан қутилиб қолди, лекин бу Обама маъмурияти олдидаги муаммоларни вақтинча унутишга ёрдам берди, холос. Ҳар қалай бугун Гавайя ороллари ана шу хаёл билан учиб кетиши ва таътилни қолган қисмидан давом эттириши мумкин.





‘Унутма, ҳар бир қўл телефонида мусулмон Ўзбек яширин!’

“Ҳар гал қўлингга мобил телефонингни олганда, унутма, унинг ичида мусулмон Ўзбек отахон яширин ўтиради!”


Атоқли Британ журналисти Эндью Марр жаҳон тарихи ҳақида Би-би-си телеканали учун тайёрлаган телекўрсатувларидан бирида ал-Хоразмий ҳақида гапириб, худди ана шундай хитоб қилади.

Ҳали Ғарбда кўпчилик замин текисликдан иборат, деб ишониб юрган бир пайтда, ал-Хоразмий сайёрамиз юмалоқ эканини исботлаган.

Исботлаганда ҳам, қарийб 1200 йил олдин бу юмалоқ заминнинг белбоғини аниқ ҳисоблай олган. Ал-Хоразмий хулосаси ҳозирги ўлчовларга жуда яқин.

Ислом олами олимлари ўз даврида дунё илм-фани ва тараққиётига неқадар улкан ҳисса қўшгани ҳақида ҳикоя қилувчи махсус телекўрсатувда Ислом негизида буюк муваффақиятларга эришган форс, араб, ҳинд ва турк дунёси ютуқлари ҳақида сўз кетади.

АҚШ президенти Барак Обама Америка Марказий разведка бошқармаси директори ҳамда мамлакат мудофаа вазири лавозимларига ўз номзодларини эълон қилди. Унга кўра, МРБни АҚШ президентининг терроризмга қарши курашиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Жон Бреннан, мудофаа вазирлигини эса собиқ республикачи-сенатор Чак Хейгель бошқариши кутилмоқда. Обама АҚШ Сенатига ушбу номзодларни тасдиқлаб, имкон қадар тезроқ овоз беришни сўради.



Обама энг муҳим лавозимларга номзодларни эълон қилди

Обама ўз номзодлари ҳақида фикр юришиб, Бреннанни терроризмга қарши соҳасида тажрибали ҳамда ҳурматга сазовор мутахассислардан бири сифатида эътироф этди. ББСнинг ёзишича, Бреннан ўз фаолиятининг чорак асрини айнан МРБда ишлашга бағишлаган. Марказий разведка бошқармасини генерал Петрэус бошқариб келаётган эди, аммо у ўтган йили ишқий можаролар туфайли истеъфога чиқишга мажбур бўлганди.

Чак Хейгель ҳақида ҳам илиқ фикрларни билдирар экан, Обама у нафақат республикачиларнинг, балки демократларнинг ҳам ишончига сазовор бўлганини айтиб ўтди. Вьетнам уруши фахрийси, америкалик ватанпарварлардан бири бўлмиш Хейгель номзоди республикачиларни «ҳовури»дан туширишга қаратилган, дейишмоқда мутахассислар. Пентагонни шу пайтга қадар Панетта бошқариб келаётган эди.



Президентлигининг иккинчи муддатини бошлайдиган Барак Обама олдида бугун ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб вазифалар турибди. У янги маъмурияти билан нафақат АҚШнинг ички муаммоларини ҳал этмоғи, айтиб чоғда халқаро миқёсда Американинг нуфузини тиклаши, унинг глобал иқтисодий таъсирини кучайтириш талаб этилади.

Чунончи, яқинда АҚШ махфий хизмати таҳлилчилари томонидан тайёрланган “2030 — глобал тенденциялар” деб номланган маърузада ҳам бу борадаги асосий муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Ушбу маъруза Барак Обама президентлигининг иккинчи муддати учун махсус тайёрланган бўлиб, у АҚШ президенти маъмуриятига янги стратегия ишлаб чиқишга мўлжалланган. Унга кўра, 2030 йилга бориб, Осиё АҚШ ва Европага нисбатан кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлади.

Яқин йигирма йилликда Хитой ўз

иқтисодий салоҳияти бўйича Американи кувиб ўтади.

Обама маъмурияти АҚШ иқтисодиётини имкон қадар жонлантириши, унинг рақобатбардошлигини ошириш чораларини кўриши керак бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда АҚШ иқтисодиёти жиддий муаммоларни ўз бошидан ўтказмоқда. Чунончи, мамлакат қарзининг умумий миқдори 16 триллион долларлик маррани босиб ўтди. Бюджет тақчиллиги ҳам йилига бир триллион доллардан зиёд бўлиб қолмоқда.

Шу йилнинг бошида Оқ уй ва Конгрессдаги республикачилар партияси етакчилари эришган “молиявий жарлик”ни бартараф этишга оид чора-тадбирлар ҳам иқтисодий муаммоларни вақтинча ҳал этиб, мамлакат иқтисодиётининг узоқ истиқболдаги равнақини савол остида сақлаб қолаверади.



ЯНГИЛАНГАН ҲУКУМАТНИНГ ЭСКИ ВАЗИФАСИ

Эронга “нуқта” қўйиларми?

Таниқли журналист Фаред Закариянинг ёзишича, 2013 йилнинг ўзидаёқ Обама маъмурияти Эрон масаласида жиддий муаммога дуч келади. Чунки ўтган йил охирида бўлиб ўтган сайловлар Обамани бу борада жиддий қарорлар қабул қилишдан тийилишга мажбур қилган эди. Аммо бугун Обаманинг олдида иккита йўл турибди: биринчиси, Эронни ядровий қуролдан воз кечишга кўндириш бўлса; иккинчиси Эроннинг ядровий объектларига ҳужум қилишдир. Биринчи йўлни амалга ошириш эҳтимоли кам бўлса, иккинчи йўл АҚШнинг халқаро миқёсдаги обрўсига соя ташлайди. Шу боис у “олтин йўл”ни топишга мажбур.

Аммо шу жиҳат ҳам борки, АҚШнинг бундай масалалардаги дипломатик мулоқот сиёсати ҳар доим ҳам тегишли самарани бермаган. Панама, Сербия, Афғонистон, Ироқ бунга яққол мисолдир. Чунки АҚШ қанчалик ушбу давлатлар раҳбарларига босим ўтказмасин, уларга қарши санкциялар қўлласин, алал-оқибат, ҳарбий кучдан фойдаланишга мажбур бўлди.

Шу боис Обама маъмурияти мулоқотларнинг “оригинал” йўллари ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиши керак бўлади. Йўқса, ҳарбий амалиётлар билан ҳам етарлича самарага эриша олмаслиги мумкин. Аммо кўпчилик Обама Эронга қарши ҳарбий амалиётларни олиб боришига кўпроқ ишонч билдирмоқда. Чунончи, Исроил президенти



Шимон Перес The New York Times газетасига берган интервьюсида дипломатик музокара Эрон масаласини ҳал қилмаслигини алоҳида қайд этиб, “Обама Эронга қарши ҳарбий куч ишлатади. Бунга ишончим комил”, деб айтиб ўтган.

Аммо халқаро тадқиқотчилар фикрича, Обама ўз саъй-ҳаракатлари орқали Эрон билан самарали мулоқот ўрната олмади. Шуни ҳам алоҳида қайд керакки, иқтисодий санкциялар Эрондаги юқори амалдорлар учун айтиб муддао бўлиши мумкин.

Чунки хорижий компанияларнинг Эрон бозорига кириш имконияти чекланиши айрим эронлик бизнесменлар учун рақобатчилардан холи бўлишга қулай шароит яратади. Аммо, санкциялар Эрондаги иқтисодий вазиятнинг барибир ёмонлашувига, эронликларнинг ўз ҳукуматига эътироз билдиришига олиб келади, дейди америкалик айрим таҳлилчилар.

Бизнингча, иккинчи муддатга сайланган Обама Эронга қарши ҳарбий амалиёт олиб боришдан чўчимаслиги мумкин. Чунки унинг обрўсини қурбон қилиш орқали катта лоббистлар гуруҳи Эрондаги вазиятни издан чиқариши эҳтимоли йўқ эмас.

Сурияда қурбонларни санаш давом эттирилади

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари эълон қилган дастлабки маълумотларга қараганда, сўнги 21 ойда Сурия инқирози оқибатида 60 минг нафардан ортиқ киши ҳалок бўлди. У аллақачон фуқаролик урушининг барча жиҳатларини қамраб олди, деб айтишга тўлиқ асос бор. Башар Асад ҳукумати ҳам борган сари мамлакат бўйлаб назоратни қўлдан бой бермоқда. Мамлакат бўйлаб турли террор ҳужумлар, қотилликлар содир этилмоқда. Хўш, бундай шароитда Обама маъмурияти қандай чора қўллайди? Сурияни ҳам Ливия тақдири кутмоқдами?

Кўплаб кузатувчилар фикрича, Ғарб мамлакатлари Сурия масаласида яқдил хулосага эга эмас. Чунки Башар Асадга қарши курашаётган кучлар ўртасида бирдамликнинг йўқлиги, уларнинг ҳокимиятга келиши эса Ғарб учун яна муаммо бўлиши мумкинлиги Обама маъмурияти учун жиддий синовдир. Гарчи Асадга қарши курашаётган кучлар аллақачон қурол-яроғ билан таъминланаётган бўлса-да, бу



улар эрта-бир кун ҳокимиятга келади, дегани эмас. Айниқса, Россия ва Хитой Сурияда гуманитар инқирозни бартараф этиш бўйича БМТ Хавфсизлик кенгашининг ҳар қандай таклифига жиддий қараётганини унутмаслик керак. Чунки “сутдан оғзи куйган, қатиқни пуфлаб ичар” деганларидек, улар Ливия воқеасидан кейин ўз позицияларини бериб қўйишни истамайди. Обама маъмурияти эса бу муаммони ҳал қилишда “тушунарсиз дипломатия” сиёсатини олиб бориш эҳтимоли каттароқ... Бир сўз билан айтганда, биз суриялик қурбонлар ҳақида ҳали эшитишда давом этамиз...

Обама ўз маъмуриятини шакллантириш арафасида мана шундай муаммоларни Америка манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш чораларини ўйлаётган бўлиши аниқ. Лекин “Обама 2” лойиҳаси “Обама 1”дан кўра “сюрприз”га бой бўлиши мумкин...

Ватандошлар дийдорлашганда... “Мурувват”нинг беназир муруввати

Бугунги хориждаги ватандошлар турли байраму шодиёналар, фестиваллар баҳона кўришиб туришида катта маъно бор. Бир-бири билан мунтазам алоқада бўлиш, миллий маданиятимизни, урф-одатларимизни, қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, Ватанда рўй бераётган муҳим воқеалардан, ижтимоий ўзгаришлардан воқиф бўлиш ана шундай тадбирларнинг бош мақсадидир.



Америкадаги “Мурувват” маркази ҳам ватандошлар бошини қовуштириш, улар билан бир пиёла чой устида суҳбат уюштиришни хайрли анъанага айлантган. Нью-Йоркда ташкил этилган бу йилги Янги йил оқшоми ҳақида ҳам худди шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин. Том маънода ватандошлар, қардош халқлар фестивалига айланган мазкур оқшом кўпчилик ташриф буюрувчиларда илиқ таассурот қолдирди. Буни уларнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди:

Умархон Зокирхўжаев:

— Мен “Мурувват” марказининг фаол аъзолариданман. Марказ томонидан ўтказиладиган турли тадбирларда мунтазам қатнашиб келаман. Марказнинг бундай катта тадбирларни амалга оширишида Тамара Назарованинг бош-қош бўлишини, куйиб-пишишини алоҳида айтишни истардим. У ҳар бир ишни бамаслаҳат, кўпчилик фикри билан қилади. Шу маънода айтганда, марказ бундан-да ривож топишига, унинг халқимиз назарига тушишини чин юракдан тилаб қоламиз.

Профессор Муҳаммаджон Раҳимов:

— 2010 йилда Millennium концерт залида дунёнинг 16 мамлакатидан ташриф буюрган вакиллар концерти ташкил этилди. Ўзбекистон номидан “Мурувват” маркази фольклор ансамбли чиқиш уюштирди. Ўшанда Тамара Назарова бошчилигида бир гуруҳ вакилларимиз Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Умуман, ҳар доим марказ олиб бораётган тадбирларни кузатиб, уларга раҳмат айтаман. Чунки Ватандан йироқда бундай хайрли ишларни амалга ошириш, Ватан шаънини улуғлаш жуда шарафли вазифадир.

Санобар Бобохонова:

— Янги йил байрамига оила-аъзоларимиз билан келдик. Таассуротларим жуда катта. Аввало, 220 нафардан ортиқ ҳамюртларимиз ва бошқа миллат вакиллари қатнашган тадбир ўта қизиқарли, сермазмун бўлди. Оиламиз билан мазза қилиб ҳордиқ чиқардик. Шу баҳона “Мурувват” марказига мазкур оқшомни ташкиллаштиргани учун ўз миннатдорчилигимни билдиришни истардим.

Бадрия Турдиева:

— Қозоғистоннинг Жамбул вилоятиданман. Байрамга оилам билан ташриф буюрдим. “Мурувват” марказининг барча тадбирларида фаол қатнашиб келамиз. Айниқса, Америкага энди келган йилларимиз Ватанимизни жуда соғинардик. “Мурувват” маркази тадбирларида қатнашиб, кўнглимиз таскин топар, ҳамюртларимиз мулоқот қилардик. Шунинг учун ушбу марказга ўз миннатдорчилигимни айтишни истардим.

Нуриддинхўжа Зокирхўжаев:

— Тошкент шаҳриданман. Ўртоқларим билан Тамара Назарова таклифи орқали “Наврўз”, Мустақиллик байрамларида, шунингдек, Янги йил оқшомларида мунтазам қатнашиб келамиз. Она-Ватанимиздан бохабар бўлиш, Ватанни қадрлаш, ватанпарварлик туйғуларини биз ёшлар ҳис қилишимизда мазкур байрамларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. 2012 йилда ўтказилган Наврўз ва Янги йил байрамлари, айниқса, ёдимизда яхши сақланиб қолди. Бу тадбирларда Америка жамияти вакилларининг ҳам жалб этилаётгани, уларда катта қизиқиш уйғонаётгани мамлакатимиз тарихи, маданияти ва урф-одатларини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йилги Янги йил оқшомидан кичкина фарзандларимиз ҳам жуда хурсанд бўлишганини айтиш жоиз.

Нью Йорк 2012

Advanced Colorectal Care Dr. Fulmes Clinic

Д-р Михаил Фульмес - проктолог, кандидат медицинских наук.



Дипломированный Американской Сертификационной комиссией специалист в области Общей Хирургии и Проктологии.

Доктор Фульмес закончил резидентуру в таких известнейших в мире и США клиниках как *Cleveland Clinic, Memorial Sloan-Kettering Cancer Center, Cornell University, Lehigh Valley Hospital.*

Д-р Фульмес обладает огромным клиническим опытом работы как в бывшем Советском Союзе так и США. Будучи практикующим хирургом, специализирующимся в проктологии, д-р Фульмес является автором многочисленных статей, публикаций, а так же выступлений на национальных и международных конференциях и симпозиумах.

Большинство заболеваний негативно влияют на качество жизни. В большей мере Причина недугов заключается в неправильной работе пищеварительной системы.

Профессиональный лозунг клиники доктора Фульмеса - оптимизация и улучшение работы пищеварительной системы – что приводит к:


- ✓ улучшению сна
- ✓ укреплению нервной системы
- ✓ замедленному старению
- ✓ нормализации веса тела
- ✓ очищению сосудов
- ✓ улучшению состояния суставов
- ✓ повышению энергетического баланса
- ✓ укреплению стабильности работы сердца
- ✓ приобретение более высокого качества жизни в любом возрасте

Посетите клинику доктора Фульмеса, если у вас наблюдаются следующие симптомы:

- ✓ кровь в стуле
- ✓ кровотечение прямой кишки
- ✓ выделение слизи и гноя
- ✓ боль в прямой кишке
- ✓ геморрой
- ✓ кондилома
- ✓ запоры
- ✓ парапроктит/ анальный свищ
- ✓ анальный зуд
- ✓ анальная трещина
- ✓ тенезмы – ложные позывы к дефекации
- ✓ эпителиальные копчиковые ходы
- ✓ малокровие как результат невидимого внутреннего кровотечения
- ✓ дисплазия анального канала (ассоциированная с ВИЧ инфекцией)
- ✓ дивертикулярная болезнь
- ✓ рак анального канала
- ✓ ректоцеле
- ✓ болезнь Крона
- ✓ рак толстой и прямой кишки
- ✓ выпадение прямой кишки
- ✓ непроходимость кишечника
- ✓ полипы толстой и прямой кишки
- ✓ неспецифический язвенный колит

Успешно решаем все проктологические проблемы выполняя следующие процедуры:

- ✓ безболезненное лечение геморроя
- ✓ трансанальное удаление полипов прямой кишки
- ✓ лапароскопическая ассистенция при удалении больших полипов
- ✓ лапароскопическая резекция толстой и прямой кишки
- ✓ комплексное лечение рака прямой кишки
- ✓ сфинктеро - сохраняющие операции при раке прямой кишки
- ✓ хирургия малого таза
- ✓ неотложная проктология
- ✓ хирургия стомы
- ✓ скрининговая аноскопия при спиде
- ✓ колоноскопия
- ✓ амбулаторное наблюдение после операции на рак толстой и прямой кишки



Принимаем все основные страховки, Medicare и Medicaid.	Удобное расписание для работающих и неработающих пациентов.
--	---

ОФИС ОТКРЫТ 6 ДНЕЙ В НЕДЕЛЮ | ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ ТРАНСПОРТ

T: 718.743.4450

Brooklyn: 2627 Coney Island Ave, Brooklyn, NY 11223
Queens: 30-16 30th Dr. Astoria, NY 11102

Ўзбек мумтоз мусиқасининг жонкуяри эди

Таниқли ўзбек мусиқашунос олими, маҳоратли созанда Абдурахим Ҳамидов 61 ёшида оламдан ўтди.

Кўпчилик Абдурахим Ҳамидовни ўзбек миллий мусиқасини ўрганиш ва ўргатишда, ўзбек миллий мусиқасини дунёга танитишда катта ҳисса қўшган олим сифатида билади. У нафақат мусиқашунослар, балки кўплаб мусиқа ихлосмандлари эътирофига сазовор бўлган. У мусиқа илми билангина эмас, балки дутор чалиш бўйича ҳам катта маҳорат эгаси эди.

Абдурахим Ҳамидов Тошкент консерваториясида кўп йиллар устозлик қилган, “Миллий мусиқа” кафедрасини бошқарган.

Мусиқа олийгоҳида у кўплаб шогирдларни етиштирган, ёшларга ўзбек миллий мусиқа асбоблари, мусиқа асбобларининг тарихи, ўзбек мумтоз мусиқасидан сабоқ берган.

“Абдурахим Ҳамидовнинг ўлими ўзбек мусиқа олами учун катта фожеа. Абдурахим Ҳамидов дутор ижрочиларидан дунёда энг сараси эди. Дутор унинг умрбод ҳамроҳи эди”, деб ёдга олади Кэмбриж университети доктори Розия Султонова ББСнинг ўзбек хизматида берган интервьюсида.

Абдурахим Ҳамидовнинг фарзанди Музаффарнинг айтишича, отаси 1952 йилда Тошкентда Аллон маҳалласида туғилган. 1968 йили мактабни тамомлаб, 1972-1977 йилларда Тошкент давлат консерваториясида таҳсил олган. Мазкур олийгоҳни тамомлаб, шу жойда дутор мутахассислиги бўйича таҳсил бера бошлайди. 1989 йилдан доцент. 2006 йилдан АҚШда истиқомат қилиб келарди. Шу йилнинг 23 декабрь куни Тошкентда вафот этди.

Абдурахим Ҳамидовнинг сўнги суҳбатларидан бирини “Ватандош” газетаси уюштирган эди. Бу суҳбатда Абдурахим ака ўзбек мусиқаси қадим тарихга эга эканини айтади, биз ўзимизнинг мусиқамиз дунё тамаддунига катта ҳисса қўшгани билан фахрланишимизга ҳақлимиз, дейди.

“Дунё цивилизациясига ўзбек мусиқасининг, ўзбек мусиқашунослиги, ўзбек мусиқа илми ва санъатининг таъсири жуда катта”, деб айтган эди газетамизга берган интервьюсида.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Абдурахим Ҳамидов “Ватандош” газетаси таҳрир ҳайъати аъзоси бўлиб, газетанинг Америкада яна ривожланиши, унинг ўқишлигини оширишга катта



ҳисса қўшган ватандошларимиздан эди.

“Vatandosh” газетаси таниқли мусиқашунос олим, ўзбек миллий мусиқасини ўрганиш, уни дунё бўйлаб кенг тарғиб қилишда катта ҳисса қўшган, қолаверса, мумтоз мусиқа асбобларимизни оммалаштиришни ўзининг асосий вазифаларидан, деб билан Абдурахим Ҳамидов вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Олимжон Шарипов Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти раиси этиб сайланди

Яқинда Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти (ЧУАЖ) ҳайъат аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамиятнинг раҳбар органлари учун ўтказилган сайлов натижалари кўриб чиқилди. ЧУАЖ жамиятининг асосчиси Сирожиддин Насафий истеъфога чиқиши муносабати билан жамият президентлигига ўз номзодини қўймади.

Маълумки, Чикагодаги Ўзбек-Америка уюшмаси 2009 йил январь ойидан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўткан вақт мобайнида Сирожиддин Насафий ушбу ташкилотнинг оёққа турғазини, ўзбек маданиятини америкаликларга тарғиб қилишга, ватандошларни бирлаштиришда самарали иш олиб борди. У киши бошчилигида бир қанча эсда қоларлик тадбирлар ўтказилди.

Масалан, ватандошларнинг Америка ҳаётига осон мослашиб кетишлари учун ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб турди. Чикагодаги Ўзбек-Америка ассоциацияси томонидан ўш воқеаларидан жабр кўрган миллатдошларимизга нақд пул ва кийим-кечак ёрдамлари кўрсатилди, Чикаго шаҳрида ўзбек фестиваллари бир неча марта ташкил қилинди.

Шунингдек, ўзбек миллий байрамларидан бўлмиш Наврўз, Ўзбекистон мустақиллиги куни ва бошқа миллий байрамларини мазмунли ўтказишда Сирожиддин Насафийнинг беминнат ёрдами катта бўлди.

Хуллас, Сирожиддин Насафий ўзининг тўрт йиллик раҳбарлиги мобайнида Чикагодаги Ўзбек-Америка Ассоциациясини оёққа турғазини катта ҳисса қўшди.

Ўтказилган сайлов натижаларига кўра, 85 фоиз овоз билан Олим Шарипов Чикагодаги Ўзбеклар жамиятининг янги раиси этиб сайланди. Олим Шарипов Америкада 10 йилдан буён истиқомат қилади. У Қашқадарё вилоятининг Касби туманида 1953 йилда оддий деҳқон оиласида туғилган. Касби қурувчи-инженер. Қарши чўлини ўзлаштиришда ва бошқа турли лавозимларида ишлаган.

Шунингдек, Жамият йиғилишида 2013 йилда ўтказилган тадбир-режалари ҳам келишиб олинди. Бу йилги Наврўз байрами 23 март куни нишонланган бўлди.



АМЕРИКАНИ ИЛК

Авалло, шуни таъкидлаб ўтайликки, Америка қитъасини назарий ўлароқ илк кашф этган олим Абу Райхон Беруний экани кўпчиликка маълум. Бироқ охириги йиллардаги тадқиқотлар Америками фақат назарий эмас, балки амалий кашф этган ҳам мусулмон олимлари эканини кўрсатмоқда.

Американинг илк кашфи ҳақида тадқиқотлар олиб борган олимлардан бири Нуриддин Дуркий бир журналда чоп этган илмий мақоласида охириги йилларда қилинган илмий изланишларнинг эски назарияларни рад қилиб, Америка қитъасининг мусулмонлар томонидан кашф этилганини юзага чиқаргани ҳақида ездди. У Христофор Колумбнинг эски дунёдан янги дунёни зиёрат қилган илк инсон эмаслигини ва унга Американинг кашф этувчиси унвонини бериш ҳам янглиш эканини таъкидлайди. Америкалик олим Доктор Барининг илмий топилмаларига эътиборни қаратган Нуриддин Дуркий тадқиқотларнинг Колумбдан бир неча аср аввал эски қитъадан Америкага саёҳат қилганлар бўлганини кўрсатаётгани ҳақида ёзади. Бу тадқиқотлар Америкага илк борганлар ичида мусулмонлар ҳам бўлганини тасдиқламоқда. Америкага борган илк мусулмонларнинг у ерда хотира санъат асарлари ва ёзувлари қолдирганлари ҳам қайд этилган.

Абдуллоҳ Нуриддин Дуркий мусулмон бўлгандан кейин икки йил Макка университетиде араб тилини ўрганди. Кейинчалик АҚШнинг Нью Мексика



штатида 20 йил режалаш ва иншоот соҳасида ишлади. У ерда бўлган даврларда Американинг жанубий ўлкаларида қизил танлилардан қолган асарлар ва хотираларни тадқиқ қилиб изланишлар олиб борди. Дуркий яна Барининг ишлари билан танишди ва улардан фойдаланди. Дуркий ўз мақоласида қуйидаги муҳим саволга жавоб излагани ҳақида ёзади: «Мусулмон араблар Америкага Колумбдан олдин саёҳат қилдиларми?» Ушбу саволга у қуйидагича жавоб берди: «Мен АҚШдаги ва Оврупадаги тенгдошларим каби болагимда Америка қитъасини Колумб кашф этганига ишониб катта бўлдим. Кейинроқ эса 1492 йилдан аввал Сибирдаги қабилаларнинг Беринг бўғози орқали Америка қитъасига ўтишганларини билдим. Биз иккала Америка қитъасининг ҳам асрлаб дунёдан ажралган ҳолда қолган деб ўйлардик. Бунга бир нечта сабаб бор эди. Улардан бири, насронийлик эътиқодига кўра Ер текис деб қабул қилинар эди. Бу эътиқодга кўра денгиз ортига саёҳат қилмоқчи бўлган одам маълум вақтдан кейин бўшлиққа қулаб тушиши керак эди. 1492 йилдан олдин кемалар шунинг учун ҳам Америкага кетолмасдилар. Бироқ биз мусулмон сайёҳлари ва жўрофия олимларининг номлари ва ишлари билан танишгач, ҳақиқатга янада яқинлашдик. Ҳижрий 337 йилда Мақдисийдан, Берунийга ва ундан Ибни Хуллага қадар кўпгина мусулмон олимлари хариталар чизишган. Х асрда Беруний ва милодий 1275 йилда Ибни Хулла Мавсий чизган хариталарда Ер курра шаклида тасвирланган эди. Қашғарий ҳам милодий 1333 йилда ўз харитасида дунёни курра шаклида чизган эди. Бироқ 1492 йилгача Ернинг текис бўлиш эътиқоди насроний олимларининг зеҳнларидан ўчмади. Ҳолбуки, мусулмон жўрофия олимлари, жўрофий солиштиришлар ва ўзлари қурган расадхоналар воситасида ҳамда ўзларидан олдинги олимларнинг ишларидан фойдаланиб Ернинг курра шаклида эканини билгандилар. Замонавий тадқиқотлар Христофор Колумбнинг Америкага кетишида мусулмонлар чизган харитадан фойдаланганини кўрсатди. Бу мавзуда Колумбнинг энг кўп андалуслик ва Шимолий Африкалик мусулмон жўрофия олимларидан, айниқса Умар Мароқашийнинг ишларидан фойдалангани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Мусулмон олимларининг асарларидан фойдаланган Колумб, ниҳоят Ернинг курра шаклида эканига ишонган эди. Буни тасдиқловчи далиллар ҳам бор. Улардан бири Колумбнинг биринчи ёрдамчиси Мароқашлик бўлгандир.

Албатта, бу ҳақиқатни Оврупанинг расмий ҳужжатлари ва архивлари инкор қилади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, 1492 йил, мусулмонлар 8 аср Иберия ярим оролида ҳукм сургач, Гибралтар (Жабали-Торик) орқали қайтишларига тўғри келган давр эди. Бу давр, айниқса, инквизиторларнинг ақлни даҳшатга туширадиган ваҳшийликлари кучайган ва мусулмонларни зўрлаб насронийлаштиришга уринилаётган пайт эди. 1492 йилда Ернинг курра шаклида эмаслиги эътиқодидан халос бўлгач, Оврупа яна битта янглиш тушунчадан кутулиши керак эди. Йўқотилиши керак бўлган бу иккинчи хато - елканли кемаларнинг денгиз оша саёҳатга бора олмасликлари эътиқоди эди.

Чунки замонамизда охириги йилларда океан ортига эски техника ва елканли кемалар билан қилинган саёҳатлар муваффақиятли амалга ошган.

Ҳўкиз терисидан қилинган «Бардон» номли кема доктор Тумитий Сифиртан кўмондонлигида Эрондан Шимолий Америка соҳилларига етиб борган. Охириги даврларда яна қизиққон баъзи сайёҳлар кичик елканли кемаларда океан ортига саёҳат қилдилар ва бу кемалар ўша даврда ясалган елканли кемалар билан бир хил эди. Баъзи инсонлар ёлғиз ўзлари ҳам саёҳатлар уюштирганлар. Булардан бири ёлғиз ўзи Атлантика океанини ошиб ўтишга муваффақ бўлган. Бу далиллар, Христофор Колумбдан ҳам олдин ўша давр техникасида Америкага бориш мумкин бўлганини исботлайди.



Топилган пуллар, қўл асбоблари ва бошқа меъморий асарлар ҳам буни тасдиқламоқда. Булар орасида энг муҳимлари деворларга ўйилган нақшлар, рамзий белгилар ва қояларга ишланган суратлардир. Бу топилмалар Колумбдан аввал Америкага саёҳатлар қилинганини кўрсатмоқда. Хитойликлар, японлар, Тинч океани оролларидаги халқлар, ўрта ер денгиз соҳилларининг аҳолиси, Шимолий Африка халқлари ва араблар милоддан аввал тўртинчи асрлардан эътиборан Американи мустамлака қилиб олган эдилар.

Бари Фелнинг кашфлари Охириги йилларда «тахминий антропология» деган соҳа пайдо бўлди. Бу соҳанинг энг муҳим сиймоларидан бири Бари Фелдир. У ҳайвон териси бўйича мутахассис эди. 1976 йили чоп этилган «Милоддан олдин Америка» номли китобида милоддан минг йил олдин оврупаликлардан ва Шимолий Африкадан Американи мустамлака қилган илк Америка аҳолиси ҳақида сўз юритади. Кейинчалик Бари Фел «Америка ҳаётининг ҳикояси» номли бир китоб ездди ва бу китобда шу минг йилнинг ҳикоясини тушунтирди. Ҳар иккала китобида ҳам Фел турли меъморий асарларни кашф қилгани, солиштириш орқали тилларни ва тилсим каби рамзларни ва чизиқларни изоҳлаб берадиган мутахассис кашфиётчилар ҳақида ёзади. Буларни у ўз назарияларига далил сифатида илгари суради. Муаллиф китобида энг аҳамиятли ўринни эгаллаган мавзулардан бири, унинг Колорадода қилган тадқиқотларидир. Фел бу водийда олиб борган изланишларида «қурт ёзуви» деб номланган ва қуртчаларнинг юрганда қолдирадиган изларига ўхшаш ёзувларни текширган. Муаллиф иккинчи китобини ёзгач, Шимолий Африкалик ва араб олимлари билан хат ёзишган ва учрашиб суҳбатлашган. Натижада у топган топилмалар араб мутахассислари ва олимларини таажжубда қолдирган. Бу зиёратлар ва учрашувлар оқибатида улкан ҳақиқат юзага чиққан. Ўша водийда топилган ўймакор ёзувлар ва «қурт ёзувлари» Ливияда қўлланилган Бербери алифбосига жуда ўхшаши маълум бўлган. Ёзувлар айни пайтда Исломдан кейин пайдо бўлган Куфий, Насх ва Мағрибий ёзувларига ҳам жуда ўхшаб кетади. Ливиялик олим доктор Маҳмуд Жорий 1993 йилда Техасда тилла танга топилгани ва танга устига илк қарашда тушиниб бўлмайдиган, лекин эътибор билан қаралганда аниқлаб бўладиган арабча ёзувлар борлигини таъкидлаган эди. Тангада арабча «Ш», «М», ва «С» ҳарфлари бўлиб, арабчада «Шамо деб ўқилади ва «куёш» деган маънони англатади. Араб тилида ўқиш ва ёзишни биладиганлар буни жуда яхши биладилар. Бу топилмадан кейин арабча ёзуви яна кўпгина топилмалар юзага чиқди. Колорадода янада чуқур ўтказилган текширувлар натижасида, ёзувлар ичида баъзи диний ифодалар ҳам борлиги маълум бўлди. Булар: «Ла илаҳа иллаллоҳ», «Бисмиллоҳ», «Муҳаммадур-Расуллоҳ» каби барчамизга таниш иборалар бўлиб, уларнинг ёнида яна бир нечта шахсларнинг исмлари қам бор эди.


Бундай тадқиқотлар борасида Бари Фелнинг ишлари илк қадам холос. Келажакдаги тадқиқотчилар янада қатъий натижалар кўрсатишига ишонса бўлади. Бугун шуни аниқ айтиш мумкинки, Американи илк бор Христофор Колумб кашф этмаган ва 1492 йилдан етти аср аввал мусулмон араблар бу қитъага сафар қилганлар.

ЗАМОНАВИЙ КАРТОГРАФИЯНИНГ ОТАСИ: ПИРИЙ РАИС

Пирий Раис машҳур турк денгиз сайёҳидир. У 1465 йилда Караман вилоятида туғилган. Пирий Раис дунёда замонавий картографиянинг отаси ҳисобланади. У чизган иккита дунё харитасининг бўлакчалари шу кунимизгача етиб келган. Пирий Раис чизган машҳур хариталарнинг биринчиси 1513 йилда чизилган. У 60x85 см. ўлчамда бўлиб, 1517 йилда Мисрда Ёвуз Султон Салимга тақдим этилган.

Харитада Испания, Ғарбий Африка, Атлантика океани, Американинг ўша даврларда билинган қисмлари ва Антил ороллари бор эди. Бу харита Христофор Колумб Америка қитъасига оёқ босгандан 10 йиллар кейин чизилган энг қадимий Америка харитаси ҳисобланади. Пирий Раисга оид иккинчи харита эса 1528 йилда чизилган ва 68x69 см. ўлчамда бўлган. Унда Атлантика океанининг шимолий соқиллари, Шимолий ва Марказий Американинг қуйи қисмлари тасвирланган эди.

КАШФ ЭТГАНЛАР



Хариталар қандай топилди?

Пирий Раиснинг хариталари 1929 йилда Истанбулдаги Тўпқопи Саройида умумий тартибга келтириш асносида музейлар мудирини Ҳалил Адхам Элдам томонидан топилган.

1935 йилда Тарих муассасаси Юсуф Оқчуранинг изоҳлари билан хариталардан бирини рисола шаклида чоп этди. 1939 йилда турли мамлакатларнинг газета ва журналларида харита нашр қилинди.

1956 йилда Жоржтоун Университети Пирий Раиснинг харитаси мавзусида радиода очиқ мунозара ўтказди. Мунозарада иштирок этган барча олим ва мутахассислар Пирий Раиснинг харитаси фавқуллодда ажойиб кашфиёт экани тўғрисида хулосага келдилар.

Харита техник жиҳатдан мукамаллиги билан бирга, ўрта аср хариталарида учрайдиган хато ва камчиликлардан ҳам холи эди. Харитада аниқланган жойлар чизилган, аниқланмаганлари эса бўш қолдирилганди. Бугун илмий давралар Пирий Раис харитасини Шимолий Американинг энг қадимги, энг оригинал ва илк илмий харитаси ўлароқ қабул қилишмоқда.

Пирий Раиснинг харитаси «Сунъий йўлдошлар ва фазо кемаларидан олинган Ернинг фотосуратлари билан солиштирилганда, унинг ҳақиқатга жуда яқин экани, ўлчамлари ҳам инсонни ҳайратда қолдирадиган даражада аниқлиги маълум бўлган. Натижада кўпчиликда жуда катта қизқиш уйғотган. Сунъий йўлдош ва ракеталар бўлмаган XVI асрда бундай хаританинг қандай чизилгани ҳозиргача кишиларни кизиқтириб келмоқда.

Пирий Раиснинг харитаси олимлар томонидан жуда кўп текширилган: Америкалик картограф Арлингтон Малери ва Америка денгиз флотининг харита чизувчиларидан Волтерс, Вестей обсерваторияси мудирини Лайнхам шулар жумласидандир. Барчалари хариталарнинг тўғри эканини қайд этганлар.

«Science et vie» номли илмий журналнинг 1960 йил сентябр ойидаги сонидан шундай ифодалар ёзилган:

«Пирий Раис чизган илк харита устида Америка Гидрография марказининг олиб борган текиширув ва тадқиқотлари қам, бу хариталарнинг ҳозирги кундаги денгиз хариталари билан айнан бир хил эканини кўрсатди ва кўпчиликни таажжубда қолдирди».

Профессор Чарлз Хепгуд ва математик олим В. Страчен харита устида охириги ишлаган олимлардандир. Улар фазо кемасидан олинган фото суратлар билан Пирий Раиснинг хариталарини солиштирганлар ва жуда кўп нуқтада айнан ўхшашлик топганлар.

Хепгуд ва Страчен бу ҳақиқатнинг сирини билолмаганларидан, бу хариталар жуда эски ва манбаси аниқлаб бўлмайдиган хариталардан нусха кўчириб чизилганини фараз қилиб изоҳламоқчи бўлдилар. У эски хариталарнинг эса яна ҳам эскиларидан олинган деган ғалати иддаоларга ҳам боришган. Илк ва энг қадимги хариталарнинг қачон чизилганлиги саволи эса жавобсиз қолаверган. Баъзилари эса энг эски хариталарни 200-300 минг йил аввал яшаган, фазодан келган мавжудотларнинг цивилизацияси томонидан чизилганини хаёл қилганлар. Ҳатто Эрик Ван Данкен бу хариталарнинг Пирий Раис давридаги имконлар билан чизилишини ақл ва мантиққа тўғри келмайди, дея бир китобда қуйидаги ифодаларни ёзишдан қам ор қилмаган:

«Бу хариталар шунчалик аниқ шаклда чизилишига имкон бўлиши учун ё Пирий Раиснинг ёки ёрдамчиларнинг учини билишлари ёхуд фотосуратга тушириш қобилиятлари бўлиши керак эди. Модомики, Пирий Раисда бундай имконлар бўлмаган экан, демак бошқа цивилизациядаги мавжудотлар чизган харитадан нусха кўчирган дейиш мумкин. Уларни XVI асрда чизилганини қабул этсак ҳам, қандай чизилгани қақида бундан бошқача изоҳ қилиб бўлмайди.....»

Пирий Раис ва Америка қитъаси

Пирий Раис денгиз йўлбошчилиги соҳасида илк асар бўлиш моҳиятини мужассамлаштирган машҳур китоби «Китобул-Баҳрия»да Америка қитъаси ҳақида шундай дейди:

«Баҳри мағриб (Атлантика океани) Септа бўғозидан ғарбга томон 4000 мил кенгликдаги улкан уммон бўлиб бу уммоннинг бир учидан Антилия (ҳозирги Америка) қитъаси жойлашган.

Китобнинг 78-бетидан эса Антилия қитъасининг (яъни Американинг) қижрий 870, (милодий 1465) йилда топилганини айтиб ўтган. Бу сана Христофор Колумбнинг Америкага саёҳатидан роса 27 йил олдинги санага тўғри келади. Демак, хулоса қилиш мумкинки, Америка қитъасини Колумбдан олдин мусулмонлар билишган ва боришган ҳам.

**ДОСТАВКА ТОВАРОВ
В СТРАНЫ СНГ И ЕВРОПЫ**
(УЗБЕКИСТАН, КАЗАХСТАН, АЗЕРБАЙДЖАН)

**АВИАБИЛЕТЫ
СО СКИДКОЙ, ПО ВСЕМУ МИРУ**



 **KHAYMANS GROUP**

www.khaymanscargo.com

Brooklyn, NY

T: 407-722-0408

2667 Coney Island Ave Brooklyn, NY 11223

Philadelphia, PA

T: 267-731-1119

1825 Grand Ave Unit B. PA 19115

Chicago, IL

T: 708-252-2371

8920 S 49th Court, OAK Lawn, IL 60453

МАХАТМА ГАНДИ



ДАВЛАТ ТИЛИ

Бордию барча зиёли одамлар ҳиндий тилини она тили деб билган вилоятларда, айниқса, ёшларда ўз она тилларига нисбатан муҳаббат уйғотишга бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсалар, ҳиндий тилига давлат тили мақоми бериш мумкин бўлади. Афсуски, бундай бўлмапти. Ҳиндий тилида чоп этилган адабиётлар ҳам аксар таржима асарлардир. Рабиндранат Тагор ҳар жойда ҳам туғилавермайди, Тулсидас ҳам миллиондан битта чиқади, бироқ Рабиндранат Тагор, Тулсидас каби буюк зотлар етишиб чиқиши учун шароитни биз тайёрлаймиз. Ана шундай шароитлардан бири ёшларда бадиий ҳавас уйғотишдир. Улар ҳиндий тилига қаттиқ ҳавас қўйсалар, ҳиндий тили учун қулай шароит ўз-ўзидан пайдо бўлади ва шу тилда ижод қиладиган шоирлар ҳам дунёга келади.

Бугунда она тилиси ҳиндий тили бўлган ёшларнинг сўзлашув тилида на ҳавас бор, на ҳаракат. Грамматика билан боғлиқ камчиликлар бирлашган штатлар, Биҳар ёшлари тилида учрайди, бангол ва маратҳийда эса бу ҳол кўзга ташланмайди. Давлат тили Мадорас ва бошқа штатларда тарғиб қилинади, бироқ, назаримда, ҳиндий тилини ўқитиш кўнгилдагидек эмас, уларда нафосат йўқ, ўзига тортмайди. Ҳиндийни тарғиб қилиш учун жонбозлик кўрсатувчи ёшлар бўлиши керак, бундай ёшлар бордир, балки мен уларни билмасман. Тирикчилик қилиш мақсадида бундай хизматдан қочмайдиган фидойи ёшлар бўлмаслиги мумкин эмас, лекин уларга ҳиндий тилини ўқитиш учун ашёлар (ўқув қўлланмалари, дарсликлар) етарли эмас. Ёшлар истасалар, бундай қийинчиликларни бартараф эта оладилар.

Буюқҳинд маърифатпарвари ва сиёсий арбоби Махатма Гандининг “Давлат тили” мақоласи кўп сонли ҳинд халқининг миллий тил ҳақидаги қарашларини бойитиш ва уларни бир ғоя атрофида бирлаштириш мақсадида ёзилган. Чунки, ўтган аср ўрталарида мамлакатнинг асосий қудратини белгиловчи ёшлар ҳиндий тилини билмасликлари, маҳаллий тиллар ва инглиз тили таъсири остида миллий тил қадрининг тушиб кетиш хавфи буюк сиёсатчи ва файласуфни ташвишга солган эди. Биз эълон қиладиган мазкур парчадаги мулоҳазалар Махатма Гандининг нафақат буюк қалб эгаси, балки миллий тилни асрашга астойдил курашган фидойи мутафаккир эканлигини ҳам кўрсатиб туради.

Агар шундай фидойи ёшлардан битта-яримтаси ташаббус кўрсатса, иш олға силжиши мумкин. Қайсидир соҳада қийинчилик пайдо бўлса, олма пиш – оғзимга туш, деб қараб турмаслик лозим, бу нарса ишни баттар оғирлаштиради. Инсон зоти ўзини бурчли ҳисоблаши даркор, қийинчиликка дуч келдимми, уни енгишга азму қарор этсин, йўлдаги тўсиқларни олдиндан пайқай олсин, озгина бўлса ҳам ҳаракатини қилсин.

Ҳар бир мактабда ҳиндий тилини тарғиб этувчи уюшма бўлмоғи керак. Бундай уюшманинг вазифаси: ҳар бир соҳада ҳиндий тилини кўпроқ қўлласин, атамалар ва ибораларни ўргансин, сиёсатда ва ижтимоий ҳаётда хорижий сўзлардан зинҳор фойдаланмасин, мумтоз битикларни чуқурроқ ўргансин, ҳиндий тилини ўқитишга муҳтожлик сезилган жойларда ёрдани аямасин, ҳиндий тили дарсликларини бепул тайёрласин ва ҳоказо. Ҳар бир катта мактабда биттадан ёш йигит- қиз қалбидан шундай истак пайдо бўлса, у жим ўтиролмайди, ўз-ўзидан ишга киришиб кетади ва синфдошини ҳам ёнига киришга даъват этади. Ёшларда бугун пайдо бўлган ҳавасни барқарор этишнинг йўли шуки, улар ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини савоб ишлар қилишга сарф қилишсин.

Шуни унутмаслик керакки, ушбу маънода ҳиндий тили энди ҳиндустоний тили ҳамдир. Ихтиёрий равишда форсча ёки арабча сўзларни чиқариб ташлаш билан у ҳиндийга айланиб қолмайди.

Хўш, бизнинг давлат тилимиз-чи? Давлат тили учун кураш йўлида инглиз тили қандай аҳамият касб этади?

Инглиз тили ўшанда ҳам маданий тил сифатида аҳамиятини йўқотмайди. Европа учун француз тили қанчалик фойдали бўлса, инглиз тили биз учун ўшанчалик аҳамиятли бўлиб қолаверади. Ҳиндустоний давлат идоралари ва олий ўқув юртларида воситачи, яъни иккинчи давлат тили бўлиб қолади. Ажойиб адабий асарлар яратилган, 20 лакҳдан 40 лакҳгача аҳоли гаплашадиган маҳаллий тилларнинг тараққий этишига ёрдам беради.

Мени мактабларни бекор қилади, деб уйлаганларнинг гаплари ёлғон. Ҳар бирингизга ўхшаб, мен ҳам маданиятимизни ҳиндий тили билан юксалтириш тарафдориман. Бироқ бугунги кунда мактабларда ажнабий раҳнаомларимиз айтган нарсаларни ўқитаяпмиз, холос. Биз учун сув ва ҳаводек зарур нарсаларни ўрганиш эса ушалмас орзу бўлиб қолмоқда.

Ҳиндий тили Ҳиндистондаги барча тиллар негизи бўлгани учун ҳам ҳинд халқларининг ўзаро муносабат ва муомалаларида энг осон восита тили ҳисобланади. Қолаверса, инглиз тилидан фарқли равишда ҳиндий тили Ҳиндистонда вужудга келган бўлиб, соф ҳиндистонча тилдир. Ҳинд халқи ҳаётининг барча жиҳатларида ҳиндий тили фикр ҳамда ҳис-туйғуларни англатишда энг қулай восита вазифасини адо этиб келаётир. Тадбиркорлик ҳамда тижорат ишлари олиб бораётган кишилар учун бу, айниқса, қулай тил. Ҳар қандай одам кунда бир соатдан вақт ажратиб, олти ойда ҳиндий тилини муомала қиладиган даражада ўргана олади, бироқ шуниси ҳам борки, шундан кейин ҳам ҳиндий тилини мунтазам ўрганиб боришга тўғри келади, акс ҳолда аввал ўрганганларини унутиб юбориши мумкин. Ҳинд адабиётида бирон ютуққа эришмоқ учун бундан кўра кўпроқ вақт керак бўлади.

Ҳиндий ёки ҳиндустонийда тахминан 20 қарор ҳинду ва мусулмонлар гаплашишади ва тушунадилар. Бу шундай тилки, унда санскрит, форс, араб ва яна қанчалаб бошқа тиллар бир-бири билан чатишиб кетган. Бу шунчалик оддий тилки, уни санскрит вакили ҳам, араб-форс вакили ҳам тушунаверади. Бу тилни ўрганиш шу қадар осонки, бу тилни ўрганиш учун жуда кўп уриниш керак, деганларнинг гапидан таажжубга тушаман.

Фикримча, бошқа штатларда ҳиндий тилини тарғиб этиш учун анжуманнинг асосий марказларини тузиш лозим. Модомики, ҳиндийга давлат тили мақоми бериш керак экан, тарғибот ишларига оммавий ва мукамал тус бермоқ керак. Бизда ўқитувчилар етишмайди. Анжуман марказида ҳиндий тилли штатлардан чиққан ўқитувчилар тайёрлансин, улар ўзлари дарс олиб борадиган штатлар тилини ўрганишсин, иккинчи томондан, бошқа штатлардаги талабаларни ҳам сафарбар этиб, уларга ҳиндий тили ўргатилсин. Шундай ҳаракатлар жанубий штатларда бўлган эди, натижада пандит Ҳариҳар Шарма Ришикеш каби билимдон сиймоларга эга бўлган эдик.


Маълумингизки, менинг маслаҳатим билан жанубда Какасоҳиб Калелкар ҳиндий тилини тарғиб этиш ишларига нозирлик қилган ва пандит Ҳариҳар Шармага ёрдам бергани борган эди. У Тамилнад, Малабар, Траванкор, Майсур, Андхра ва Уттал штатларига бориб, маърузалар қилди, ҳиндий тили мухлислари билан учрашди. Шу айлананда у шундай тажрибага эга бўлдики, баъзи одамлар биз маҳаллий тилларни бекор қилиб, ҳиндийни бутун Ҳиндистоннинг она тилиси қилишимиз керак экан-да, деган ўйга ҳам

борганлар. Шундай англашилмовчилик туфайли бизнинг ишимизга қаршилик кўрсатувчилар ҳам чиқиб қолган. Менимча, биз аниқ бир йўлни ихтиёр этиб, бундай англашилмовчиликларнинг олдини олишимиз керак. Мен ҳар доим бир фикрни таъкидлаб келганман. Ҳеч бир ҳолатда биз штатлардаги тилларга барҳам бермоқчи эмасмиз. Ниятимиз шундан иборатки, турли штатларнинг ўзаро муносабатлари учун биз ҳиндий тилини ўрганайлик. Бу билан ҳиндий тилини зинҳор бошқа тилга қарши қўймоқчи эмасмиз. Ҳиндий тилига давлат тили мақоми берилсин, деймиз. У шунга лойиқ ҳам. Кўпчилик одамлар биладиган ва гаплашадиган, ўрганиш осон бўлган тил давлат тили бўла олади. Ҳиндий тили худди шундай тилдир, бошқаси унинг олдидан ўтаверсин. Анжуманимиз бу гапни 1910 йилдан

буён ўқтириб келаётир ва унга жўяли қаршилик кўрсатадиган, унинг ўрнини боса оладиган бошқа тил бугунгача кўзга ташлангани йўқ, аксинча, бошқа штатларда бу эътироф этилган.

Какасоҳиб шундай англашилмовчиликка борган одамлар фикрини ҳам баён этди, эмишки, биз инглиз тилини йўқотиб, ўрнига ҳиндий тилини қўймоқчимиз. Баъзилар ундан ҳам ошиб тушганлар: инглиз тили давлат тили бўлишга лойиқ ва аллақачон бўлиб улгурган. Ана холос! Бордию инглиз тили ўрнини ҳиндий тили эгаллагудек бўлса, тўғриси, мен бунга ёқлар эдим.

Аммо инглиз тилининг аҳамиятини барчамиз яхши тушунаемиз. Ҳозирги замон илм-фанини эгаллаш, замонавий адабиёт тадқиқоти, бутун дунёни билиш, иқтисодий муваффақиятлар, давлат амалдорлари билан муносабатда бўлиш ва шунга ўхшаш бошқа ишлар учун инглиз тилини билишимиз зарур. Хохлаймизми, йўқми, бундан қатъи назар, биз инглиз тилини ўқишимиз керак бўлади. Шундай бўляпти ҳам. Инглиз тили халқаро тилдир. Аммо инглиз тили ҳеч қачон давлат тили бўла олмайди. Бугунги кунда унинг ҳукмронлиги муқаррардек туюлмоқда. Бундан қутулишга талай ҳаракат қилинган бўлса-да, давлат ишларимизда инглиз тили катта ўрин тутмоқда.



Лекин бундан инглиз тили давлат тили бўлиб қолмоқда, деган янглиш хаёлга сира бормаслик керак. Ҳар бир штатда биз буни осонгина синовдан ўтказсак бўлади. Бенгалия ёки жанубий Ҳиндистонни олайлик, бу штатларда инглиз тилининг таъсири ҳаммадан баланд. У ерларда, борди-ю, халқ билан бир иш қилмоқчи бўлсангиз, халқ бугунги кунда ҳиндий тили ёрдамида иш тутта олмаслиги мумкиндир-у, аммо инглиз тили ёрдамида қила олиши тайин. Ҳа, шуни эътироф этиш зарурки, шу дамгача бизда биронта тил давлат тили бўла олган эмас. Инглиз тили сиёсий тил, шундай бўлиши табиий ҳам. Инглиз тилига бундан ортиқ баҳо бериб бўлмайди, деб биламан. Бу борадаги ҳар қандай уриниш беҳуда. Ҳиндистон агар ростдан ҳам яхлит миллат бўлар экан, буни биров хоҳлайдими, йўқми, давлат тили ҳиндий тили бўлиши керак, чунки бошқа ҳеч бир тил ҳиндий тилининг ўрнини боса олмайди, ҳеч қачон!

Ҳиндулар ва мусулмонларни қўшиб ҳисоблаганда, гарчи сал-пал ўзгаришларга дуч келган бўлса-да, қарийб йигирма қарор одамнинг тили ҳиндий, яъни ҳиндустонийдир. Шу боис, ҳар бир штатда ўша штатнинг тили, бутун мамлакатнинг ўзаро муомаласи учун ҳиндий тили ва халқаро муносабатлар учун инглиз тили воситачи тил бўлиши мақбул ва бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас. Ҳиндий тилида гаплашувчи аҳолининг нуфуси ҳаммасидан кўп, бу аниқ, бироқ инглиз тилида сўзлашувчилар сони бир неча юз минг бўлса бўлар, аммо ундан кўп эмас. Бундан ортиғига қилинган уриниш халққа зулм қилиш бўлади.

Мен ҳозиргина “ҳиндий-ҳиндустоний” деган сўзларни ишлатдим. 1918 йилда сизлар менга мана шу лавозимни берганингизда ҳам мен шу гапни айтган эдим, ҳиндий бу шундай тилки, унда ҳиндулар ҳам, мусулмонлар ҳам ҳеч бир қийналмасдан гаплашадилар. Ҳиндустоний билан урду ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Деванагарий ёзувида ёзилгани учун у ҳиндий, араб ёзувида ёзилгани учун бу урду деб аталади. Бирон ёзувчи ёки нотик санскрит ёхуд араб-форс сўзларини териб-териб ишлатар экан, у миллатига зарар келтирган бўлади. Бизнинг давлат тилимизда халқ ичида ишлатиб келинаётган турли-туман сўзлар жо бўлмоғи керак. Жаноб Чханшиёмдан Бирма давлат тили ёқловчилари турли штатлар тилларида ҳукмрон бўлган ва давлат тилига муносиб деб топилган сўзларни олишлари лозим, деб ҳақ гапни айтган эди. Ҳар бир умумий тилнинг ўз тортиш кучи бўлади, шунинг учун ҳам у оммавий тил бўлиб қолади. Инглиз тилига қанақанги сўзлар кирмаган! Лотин ва юнон тилларидаги озмунча мақолу маталлар инглиз тилида учрамайди, дейсиз. Замонавий тилларни ҳам улар эътибордан қолдирмайдилар. Бу борада уларнинг холислигига гап йўқ. Кўплаб ҳиндустоний сўзлар ҳам инглиз тилига кириб қолган. Африка тилларидан кирган сўзлар ҳам учрайди. Бунда уларнинг “Фри – Трейд” тамойиллари яхши иш беради. Бироқ бу гапларни мен бугунги кунда инглиз тилини яхши билган ўқимишли ёшлар қилаётгандек, бўлса-бўлмаса турли тиллардаги сўзларни қабул қилиб олавериш мумкин деган маънода айтаётганим йўқ. Бу борада мияни астойдил ишлатишга тўғри келади. Бизлар камбағал эмасмиз, аммо очкўзлик ҳам қилмаймиз. “Курси” сўзини жон-жон деб “курси” деяверамиз, унинг ўрнига “тўрт оёқли тахт” деган иборани қўлламаймиз.

Кези билан бир нарсдан хафалигимни ҳам айтиб ўтай. Ҳиндий тили давлат тили бўладими, йўқми, барибир мен ундан воз кечолмайман. Тулсидаснинг мухлиси бўлганлигим сабабли ҳиндий тилига муҳаббатим бошқача бўлиб қолаверади, бироқ ҳиндийда сўзлашувчилар ичида Рабиндранатлар қани? Прапхулчандр Ройлар қани? Жагдиш Бослар қани? Бундайларнинг кўпларини тилга олишим мумкин. Биламан, мен ва менга ўхшаган минглаб мухлисларнинг қуруқ истаги билан бундай одамлар ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмайди. Бироқ давлат мақомига эга бўлувчи тилда бундай буюк сиймолар юз кўрсатишини ҳаммиша орзу қилаверамиз.

Вардҳада бизнинг бир қизлар масканимиз бор. У ерда анжуманимизга аъзо бўлиш учун бир қанча қизлар тайёргарлик кўрмоқдалар. Муаллима ва толиба қизлар “тайин қилинган дарсликларни ўқишимиз қийин бўляпти”, деб шикоят қилмоқдалар. Бундай китоблар шахвоний усулдаги ҳикояларга тўлиқ. Ҳиндий тилида бадий адабиёт бўлиши кифоя. Жаноб Банорасийдас Чатурведий бир неча йил эътиборимни шунга тортган эди. Давлат мақомига лойиқ деб топилган тилнинг адабиёти тоза, табаррук ва кўтаринки бўлиши керак. Ҳиндий тилида ҳозир бемаъни адабиётлар кўплаб чоп этилаётир. Газета ва журналларнинг муҳаррирлари бу борада хушёрлик кўрсатмаяптилар, аксинча, бундай бемаъниликка йўл қўйиб бермоқдалар. Менимча, анжуман бу борада бефарқ қараб турмаслиги лозим. У яхши ёзувчиларни рағбатлантириши керак. Ўқувчиларнинг қандай китобларни севиб ўқишларини аниқлашда ҳам анжуман ёрдами аямаслиги лозим. Бу ишнинг осон эмаслиги аниқ, аммо қийинчиликдан қочиб қаёққа ҳам борар

эдик?

Деванагарий ёзувини мукамал эгаллаган бир мусулмон ўқувчи ҳам дарслик китобларидан бири ҳақида шикоятли гапларни айтди. Китобда Бобурийлар сулоласи ҳақида асосиз гаплар айтилган экан. Ахир бу сулола узоқ эмас, деярли ўзимиз билан замондош бўлган-ку. Ўтиниб илтимос қиламанки, дарслик китоблар обдон танлаб, ақлни пешлаб тайёрланса, унга умуммиллат нигоҳи билан қаралса ва мундарижа ҳам ҳозирги замон заруриятларини назарда тутиб тузилса. Айтаётган бу гапларим аслида менинг соҳамдан ташқари масалалар эканини билиб турибман. Бироқ менга келиб тушган шикоятларни сизга маълум қилиб қўйишни ўз виждоний бурчим деб биламан.



Ҳиндий тили санскритдан келиб чиққан, ассомий ва бенгалий тиллари ҳам унга жуда яқин. Жанубий Ҳиндистон тиллари дравид тиллари дейилади. Мен ҳам уларни санскритдан келиб чиққанини эътироф этаман. Агар уларга ишонадиган бўлсак, одамларнинг айтишича, дравидлар аввал бошда орий бўлмаганлар, кейинчалик улар сирасига қўшилганлар. Бироқ тамилликларнинг айтишича, улар ваҳший одамлар бўлишмаган, орийлик ва маданият уларнинг қонига сут билан кирган. Тамил, телугу, каннар сингари тиллар санскритча сўзлар билан тўлиб-тошган. Бенгалий ҳам санскритча


сўзларга тўла. Борди-ю, ўз тилларида биронта сўз учрамай қолса, улар ўша сўзнинг муқобилини санскритчадан олганлар ва бемалол ишлатаверганлар. Бинобарин, барча тилларнинг ёзуви битта бўлиши шарт. Шунинг учун ҳиндий тилига баъзи ислоҳлар киритилиши ҳам зарурдир, аммо мен бу можарога илашишдан йироқман. Мен сизга ўз фикримни очиқ баён этдим. Чунки ёзув битта қилинса, тилларни ўрганиш анча осон ва қулай бўлар эди. Бу ишда ташаббусни Какасоҳиб ўз қўлига олган ва у шу ишни давом эттиради. Какасоҳиб Жанубий Ҳиндистон, Ассом ва Уткалга борганида унинг олдида тоғдай бир қийинчилик кўндаланг бўлган, маҳалий одамлар бу бизнинг штатимиз тилини бекор қилиб, ҳиндий тилини жорий қилгани келган, дейишган. Аслида ундай эмас. Штатда ўз тили қолаверади, бироқ ҳиндий тили шундай тарғиб-ташвиқ қилиниши керакки, штат тилининг давлат тили мақомига эришуви иккинчи ўринга тушиб қолсин, фақат ҳиндий тили давлат тили мақомини сақлаб қолсин. Бироқ мен ҳам Какасоҳибдан чегарадан чиқиб кетмаслигини сўрайманки, у бошқа штатлар тиллари мақомини заррача камситмасин. Шу боис адабий анжуманга таклиф киритиб, бу масалани бир ёқлик қилиш лозим бўлади.

Ҳиндий тили бизнинг миллий тилимиздир. У санскритча сўзлардан иборат бўлиши керак, дейиш нотўғри бўлар эди. Ҳиндулар ҳам, мусулмонлар ҳам уни ўрганиши керак, деган фикрда эмасмиз. Борди-ю, санскритча сўзлар билан тўлдириш керак деб айтадиган бўлсак, ундан шу маъно келиб чиқади-ки, мусулмон биродарларимиз ҳам санскритчани ўрганишга мажбур бўладилар, аммо бундай бўлиши зинҳор мумкин эмас. Дейлик, санскритча сўзлардан иборат роман ё қисса бўлса, уни қишлоқдаги одамлар ҳеч қачон тушуна олмайдилар. Етти қарор мусулмон оғайнилари бир четга суриб, биз ҳиндий тилига давлат мақомини бермоқчи бўлсак, бу осмонга гул экиш билан баробар бўлар эди, яъни осмонга гул экиб, унинг ҳидидан баҳраманд бўлишга ўхшаган гап-да. Қишлоқ одамлари ғоят соддадил бўлишади. Улар тушуниб етиши учун тил ҳам содда ва оддий бўлиши даркор. Бу ерда бир кўргазма ташкил этилибди, унда Индор шахрида нималар қилиниши батафсил баён этилган. Сизларнинг қишлоқдаги биродарларингиз қўлидан нималар келади? Улар бажарган нарсалар бизларга тўғри келадими ё йўқми, бу нарсаларни билиш шарт. Шаҳарликлар

бизнинг қишлоқликлар билан кўпда алоқамиз йўқ деб биладилар, бироқ мен улар ҳақида жуда кўп нарсаларни биламан, шаҳарликлар бизнинг қишлоқликларни бир-бирига чамбарчас боғлаб турган нарсаларни ҳам биламан. Айтмоқчиманки, бутун Ҳиндистонни боқиб турган озиқ-овқатларни деҳқонлар етказиб берадилар. Борди-ю, улар озиқ-овқат етказиб беришдан бош тортсалар, сизларнинг ҳолингиз вой бўлади, оч қоласиз, бошингизга Маҳораж Соҳиб билан Ҳукамчанд савдогарларнинг куни тушади. Чунки қуруқ олтинкумуш билан ҳеч кимнинг қорни тўймайди. Улар менга ўхшаб саяграҳа йўлини тутмайдилар, балки агар қорнимизни тўйғазмасанг, очдан ўламиз, деб ўликларини ташлаб оладилар, шаҳарликлар не кунга қолишларини шунда кўринг. Ҳиндистонда етти лаҳқ қишлоқ бор. Ҳаммининг тириклиги шуларга боғлиқ. Шунинг учун улар қайси тилни тушунишса, ўша тилни ишлатиш лозим бўлади. Арабча ё форсча сўз учраб қолса-ю, биз шартта ундан юз ўгирсак, бу тўғри бўлмайди. Чунки бундай қилиш билан биз ҳиндий тилига давлат тили мақомини бера олмаймиз.

Ҳинд тилидан Замира ШОДИЕВА таржимаси





БУХОРОДА манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши

1740- йилда Эрон қўшинлари Нодиршоҳ бошчилигида Бухорога қарши яна ҳужум бошлади. Бухоро ва Хива хонлари умумий душманга қарши курашиш учун бирлаша олмадилар.

Бу ҳам етмаганидек, Бухоронинг ўзида хоинлик юз берди. Хонликда етакчи мавқега эга бўлиб олиш ниятидан қайтмаган Қарши ҳукмдори Муҳаммад Ҳакимбий Нодиршоҳ томонига ўтиб кетди. Абулфайзхон Эрон босқинига қарши курашни уюштира олмади ватаслими бўлди. Нодиршоҳ Бухоро хонлигининг таслим бўлиш шартларини Муҳаммад Ҳакимбий орқали Абулфайзхонга жўнатди. Таслим бўлиш ҳақидаги шартномани имзолаш учун Абулфайзхон Зарафшон дарёсининг бўйидаги Чорбакр кўриғига - Нодиршоҳ ҳузурига боришга мажбур бўлди. Шартномага кўра, Нодиршоҳ қўшинлари учун 8 йилга етадиган 200 минг харбор бугдой ва арпа тўплаб беради. Бундан таслжқари, Бухоро хонлиги аҳолисидан 10 минг нафарли қўшин тўпланиб Нодиршоҳ ихтиёрига жўнатилади. Бу қўшинга Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳим кўмондон этиб тайинланди. Шу тариқа Бухоро Эронга қарам давлатга айланди. Абулфайзхон амалда кўғирчоқ ҳукмдорга айланиб қолди.

Муҳаммад Ҳакимбий эса қўшбеги лавозимини эгаллади. Бутун ҳокимият амалда унинг кўлида тўпланди. Энди аштархонийлар ҳукмронлигининг барҳам топиши муқаррар бўлиб қолди.

Бухорода аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ўзбек қабилаларидан манғитлар ва қўғиротларнинг нуфузи баланд эди. Бу икки қабилла ҳақиқий ҳокимият аштархонийлар кўлида бўлиб турган даврларда уларга садоқат билан хизмат қилган эдилар. Бироқ, кейинчалик, Бухорода манғитлар алоҳида нуфузга эга бўлиш учун астойдил курашдилар. Муҳаммад Ҳакимбий даврида бу мақсадга эришдилар.

Муҳаммад Ҳакимбий 1743- йилда вафот этган эди. Унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий ўзининг мунтазам қўшинга эгаллигидан фойдаланиб, ҳокимиятда отаси каби алоҳида мавқе учун даВогарлик

қила бошлади. Сўнги аштархоний Абулфайзхон унга Бош вазирлик лавозимини беришга мажбур бўлди ва охир-оқибатда марказий ҳокимият унинг кўлида тўпланди.

Нодиршоҳ 1747- йилда ўлдирилганидан сўнг Эронда бошланган ички курашлар Муҳаммад Раҳимбийнинг Бухоро тахтини эгаллашига йў1 очиб берди. Унинг буйруғи билан Абулфайзхон ҳам 1747 - йили ўлдирилди. Муҳаммад Раҳимбий тахтга Абулфайзхоннинг ўғли Абдулмўминни ўтқазди ва уни ўзига куёв қилиб олди. Кўп ўтмай Муҳаммад Раҳимбий куёви Абдулмўминни ҳам қатл эттирди. Тез орада Муҳаммад Раҳимбий Бухоро аслзодалари ва руҳонийларининг қўллаб-қувватлаши билан 1756- йилда ўзини хон деб эълон қилди. Бироқ манғитлар чингизийлар наслига мансуб бўлмаганлиги учун ундан кейинги манғит ҳукмдорлари ўзларини хон деб эмас, амир деб атаганлар. Улар Бухоро минтақасининг диний ҳукмдори - амир ул-моъминин хисобланганлар.

Шундай қилиб, 1756- йили Бухорода ҳокимият тепасига янги сулола - манғитлар сулоласи келди ва давлатни 1920- йилгача идора қилди. Шундан бошлаб Бухоро хонлиги эндиликда Бухоро амирлиги деб аталадиган бўлди. Манғитлар 92 ўзбек қабиласининг бири эди.

Манғит ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон {1756-1758}

мамлакатда ўзининг мутлақ ҳукмдорлигини ўрнатиш ҳамда ички бошбошдоқликни тугатиш сиёсатини тутди. Бундай сиёсатдан кўзланган мақсад - марказлашган давлатни тиклаш эди. Муҳаммад Раҳимхон бу сиёсатни рўёбга чиқаришга қафий киришди. У барча маҳаллий фюкмдорларни ўз ҳузурига чорлаб, уларга ўзининг асл мақсадини, ўз бошқарув дастурини маълум қилди. Лекин давом этаётган ички низолар, урушлар мамлакатни хонавайрон қилаётганлиги, хўжалик, савдо-сотиқ ишларининг издан чиқаётганлиги, агар бу жараёнлар бундан буён ҳам давом этиладиган бўлса, давлат ҳалокати муқаррар эканлигини алоҳида таъкидлади. Қайси маҳаллий ҳукмдор марказий ҳокимиятга бўйсунмаса, ундайлар аёвсиз жазога тортилишини

огоҳлантирди.

Муҳаммад Раҳимбий

Муҳаммад Раҳимхон мустақилликни даъво этиб юрган Миёнқол, Нурота, Қўбодиён, Бойсун, Шаҳрисабз ҳамда Ургут бекликларини тўрт йил давомида ўзига бўйсундирди. Айти пайтда у бўйсуннишни устамаган, марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка уринаётган қабилаларни турган жойидан кўчиртириб юбориш сиёсатини тутди. Масалан, бурқут, қипчоқ, етти уруғ, баҳрин, юз, кенагас, сарой ва бошқа қабилаларга нисбатан ана шундай сиёсат юритилди.

Муҳаммад Раҳимхон йирик ер эгаларининг давлатни бошқариш ишларида шу вақтгача давом этиб келган аралашувларини кескин камайтиришга эриша олди. Шундай бўлса-да, у барча бекликларнинг марказий ҳокимиятни тан олишларига тўла эриша олмади.

Дониёлбий оталиқ ва Амир Шоҳмурод

Муҳаммад Раҳимхон вафотидан сўнг унинг амакиси Дониёлбий оталиқ ҳокимиятни ўз кўлига олди (1758-1785). У ўзини хон амади ва Абулфайзхоннинг набираси Абулғозини тахтга ўтқазди. Дониёлбий ҳам оталиқ мансабини, ҳам амалдаги ҳукмдорликни ўз кўлида сақлаб қолади. У ўз қўшинларини мустаҳкамлашга, унга таяниб иш кўришга ҳаракат қилди. Барча манғит бекларига катта ер-мулкни танҳо қилиб берди. Халқдан олинадиган солиқларни кўпайтирди. Унинг даврида Балх, Ҳисор, Кўлоб, ўратепа бекликларининг мустақилликка интилишлари кучайди. Катта ер эгалари, қўшбеги ва қозикалонларнинг ўзбошимчалигини эса синдира олмади. ўғилларидан бири Шоҳмурод дарвишона ҳаёт кечирар, шайх маслаҳати билан бозорда ҳаммолик қиларди. Кейин эса пичоққа қин ясаб сотиб, шу орқали рўзгор тебратарди. Халқ орасида обрўси катта бўлгани учун Дониёлбий унга ҳокимиятни топширди.

Амир Шоҳмурод (1785-1800). Амир Дониёлбий оталиқнинг тўнғич ўғли бўлиб, ёшлигидан художўй, порсо бўлиб ўсган. Мадрасани битириб, дарвишлик сулуки тарафдори, тарғиботчисидан

бирига айланади. Шоҳмурод Абулғозини ҳокимиятдан четлатиб, ўзини Бухоро амири деб эълон қилади ва тахтни эгаллайди. Халқ унга ҳурмат билан «амири маъсум» (беғуноҳ амир) унвонини берган.

Шоҳмурод ўз фаолиятида оммага таяниб иш тутди. Адолат тамойилларига қаттиқ амал қилди. ўзи ҳам ниҳоятда камтарин ҳаёт кечирган. Масалан, бир йилда бир олача чопон, бир бўз кўйлак кийган. Бошига олти газли бўз салла, оёғига эчки терисидан тикилган саҳтиён маҳси ҳамда кавуш кийган.

Амир Шоҳмурод Самарқанд шаҳрида катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Шаҳар марказида олти қиррали чорсу қурилиб, «Тоқи мусаддас» деб аталган. Самарқанднинг ҳар бир мадрасасига имом, муаззин, мударрисларни ўзи тайинлаган. Талабаларва мударрисларнинг маоши учун вақф ерлари ва мулклар ажратган.

Амир Шоҳмурод баъзи ислохотлар ўтказиб, давлатни мустаҳкамлашга эришди. Бож ва хирождан бошқа барча солиқларни камайтирди. Раис мансабини ва қўшин таркибида қози аскар лавозимини жорий қилди.

Мамлакат иқтисодини йўлга қўйишда Шоҳмурод ўтказган пул ислохоти муҳим аҳамият касб этди. Аштархонийлар даврида зарб қилинган тангаларда кумуш миқдори камайтириб юборилган эди.

Шоҳмурод жорий қилган қонун бўйича ким мол-мулкка хиёнат қилса, жамиятдаги мартабасидан қафи назар қаттиқ жазога тортилиши лозим эди. Бу тадбир халқ манфаатларига тажовузнинг олдини олди.

Сулуки – жамоаси

Харбор – бир эшакка юк бўладиган оғирлик ўлчови

- 1747-йилда Бухорода ҳокимият амалда манғитлар сулоласи кўлига ўтди. Расман эса бу воқеа 1756-йилда амалга ошди.

- 1756-йилдан бошлаб Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб атала бошланди.

- Манғитлар сулоласи 1920-йилгача Бухоро хонлигида ҳукмронлик қилди.

[Малакали шифокор-терапевт қабул қилади]

Халқимизда “иссиқ жон” деган пурмаъно гап бор. Иссиқ жон бўлганимиз учун турмушимизда мунтазам шифокорлар хизматидан фойдаланамиз. Ана шундай яқин маслаҳатчиларимиздан бири, шубҳасиз, шифокор-терапевтдир. Қизиқ, бу касб эгаларини кимга муқояса қилиш мумкин? Ҳеч ким ўз соғлиғига нисбатан таваккал қилишни истамайди. Ҳаммамиз соғлиқни пул билан ҳам тиклаб бўлмаслигини яхши биламиз. Шунинг учун бўлса керак, ақлли, фикрли ва илмли шифокор-терапевтни топиш — улкан омад. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, терапевт шунчаки шифокор эмас, балки инсоннинг соғлиқ масаласида энг яқин кишидир. У ҳамма нарсани билиши керак бўлган инсондир.

Ана шундай инсонлардан бири шифокор-терапевт Жанна Цукермандир.

Шифокор Цукерман яқинда Бруклиндаги 514 Ocean Parkway манзили бўйича ўз терапевт офисини очди. Тиббий кўриқдан ўтказиш, консультация, даволаш методикаси бўйича ишлар... Хуллас, одатдагидек. Аммо доктор Цукерман офиси ўзига хос жиҳатларга ҳам эга. Унинг офисида одатдаги тиббий хизматлардан ташқари, каттагина лаборатория хизмати ҳам ташкил этилган. Масалан, қон анализ учун топширилса, унинг натижасини ҳафталаб кутиш талаб қилинмайди. Айни чоғда офисда ички даволаш тадбирларини амалга ошириш мумкин. Профилактик кўриқлардан ташқари, офисда турли хасталиклар — гипертония, диабет, юрак касалликлари ва бошқа ички касалликларга ташхис қўйиш ҳамда даволаш мумкин. Шунингдек, аллергияга ташхис қўйиш ва уни даволаш мумкин. Муҳими, шифокор илгари шифохонада ишлагани боис нафақат Coney Island Hospitalда, балки офисда ҳам беморларни қабул қилиши мумкин. Бу, айниқса, яқинда бўлиб ўтган Сэнди тўфонидан сўнг жуда муҳимдир. Чунки касалхона ҳали-бери тўлиқ қувват билан ишлаётгани йўқ.

Жанна Цукерман ўз касбига жуда масъулият билан ёндашади. “Терапевт, моҳир механик сингари, ҳар бир механизм алоҳида ҳамда умуман, қандай ишлаётганини билиши керак бўлади. Шунинг учун илмли терапевт шифокор-мутахассисдек қадрланади. Унда катта масъулият ётади. У беморнинг турли муаммоларини ҳисобга олиши керак бўлади, тегишли дори воситаларини танлай билиши керак бўлади. Терапевтни кемадаги йўлга боқувчига қиёслаш мумкин. У нафақат бугунги вазиятни кўрмоғи, балки эртага нима бўлишини ҳам баҳолай билиши, унинг ривожланиш босқичларини кузатиб бориш қобилиятига эга бўлмоғи керак”, дейди у ўз касби ҳақида.

Цукерман учун касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Собиқ Иттифоқда тиббий таълимни олган ҳамда кейинчалик малакасини Америкада тасдиқлатиб олган шифокор Цукерман беморларни даволашда ўз қарашларига эга. У бу масалага, яъни беморларнинг касаллигини аниқлаш ва даволашга тизимли ёндашади. У Coney Island Hospitalга ташриф буюрадиган резидентларга ҳам у масалага чуқурроқ қарашни, фақатгина дарсликлар билан чекланмасдан, ҳар бир ҳолатни алоҳида ўрганишни тавсия этади. Чунки айнан битта симптом бир неча касалликлар аломати бўлиши мумкин. Масалан, оёқ оғриғи бир вақтнинг ўзида томир билан боғлиқ касалликларнинг ҳам, диабет-невропатия хасталикларини аломати бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, шифокор тўғри ташхис қўйиши учун чуқур ва кенг билимга эга бўлмоғи керак. Бу барча асосларнинг асосидир.

Антибиотиклар масаласига ҳам шифокор эҳтиёткор муносабат билан қарайди. “Агар зарур бўлса, демак, қабул қилиниши керак”, дейди Цукерман. Масалан, иммунитет пасайиб кетганда, одатдаги вирусли инфекцияларга бактериал инфекция ҳам қўшилади. Агар зиғирча бўлса-да, касаллик асорати бўлса, бронхит зотилжамга айланиб кетмаслиги учун тегишли чоралар кўрилиши керак. Айни чоғда ҳар бир бир



МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

Жанна Киев тиббиёт университетини “дерматолог, венеролог” мутахассислиги бўйича тамомлаган. Косметологияга ихтисослашган. Ўз ихтисослиги бўйича 1996 йилдан бери меҳнат қилади. АҚШга 2000 йилнинг охирида келади ва тез орада Америка соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қила бошлайди. Дипломини тасдиқлатиб олгач, врач-терапевт бўлиб ишлай бошлайди. Американинг етакчи госпиталларида ишлаш бўйича катта тажрибага эга. Ҳозирда Нью-Йоркдаги Coney Island Hospitalда ишлайди. У ерда ўқитувчи сифатида касалхона резидентларига ўз тажрибаси билан ўртоқлашади.

антибиотик беморнинг мижозига ҳар хил таъсир кўрсатишини унутмаслик керак. Шунинг учун Цукерман дори воситасига беморнинг реакциясини яхши ўрганиб чиқади.

Шунини алоҳида қайд этиш керакки, шифокор Цукерман бу натижалар билан чекланиб қолмоқчи эмас. У ўз офисига кардиолог, эндокринолог, физиотерапевт, педиатр сингари мутахассисларни таклиф қилмоқчи, шу билан бирга, замонавий даволаш усулларини мунтазам ўзлаштириб, ўз малакасини ошириб бормоқда. Мана шундай малакали мутахассис бугун сизларни ўз офисига таклиф қилмоқда: барча турдаги асосий суғурта полислари қабул қилинади. Беморларга қулайлик яратиш мақсадида эрталабки ва кечки қабуллар ҳам жорий этилган, ҳатто дам олиш кунлари ҳам беморларга тегишли муолажа хизматлари кўрсатилади. Офисда ягона қоида амал қилади: “бемок кутиб қолмаслиги керак!”



МУФТИ МАҲМУДХҲҲЖА ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ҚАНДАЙ ШАҲИД БЎЛҒОНЛИҒИ ВА УНИНГ ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН ВАСИЯТНОМА

Ҳожи Муин

Беҳбудий афанди 1919 йил 25 мартда, йўлдошлари Мардонқул Шомамуд ўғли ва Маҳаммадқул Ўринбой ўғиллари билан Самарқанддан Бухоро тупроғига ўткан, шундан қаерга борганлиғи билинмай, бу тўғрида турли сўзлар сўйланган ва гумонлар қилинган эди. Охири, халқ орасида шайх бўлган сўзлардан гумон ғолиб ила англашилган эдики, Беҳбудий афанди мазкур икки йўлдошлари ила золим амир Олимхоннинг ғаддор беклари қўлида шаҳид бўлганлар. Бултур (1921 йил) март ойида Бухоро тупроғидан келган ўртоқ Ҳожимурод Худойберди ўғли, Беҳбудий ҳазратлари билан йўлдошлари Муҳаммадқул ва Мардонқул афандиларни Қарши шаҳрида, Қаршининг беги Тоғайбек қандай шаҳид этганлиги ҳақида дуруст маълумот кетурди.

Ўртоқ Ҳожимурод Бухоро инқилоби бошланган кунда, Самарқанддан ҳукумат томонидан бир маъмурият ила Шаҳрисабз ва Китоб тарафлариға бориб, андин бир иш ила Қарши шаҳриға ўтқан ва ўшал ерларда 6—7 ой хизмат қилиб юрган, бу вақтда хила ишлар қилган ва қўл воқеаларни кўрган.

Ҳожимурод афанди Қарши бегида бир неча вақт «маҳрамлик» хизматида бўлган фарғоналик 17 яшар Содиқжондан Беҳбудий ва анинг йўлдошлари ҳақида кўп маълумот олган: Беҳбудий афанди ва йўлдошлари, бошлаб Шаҳрисабзда қўлга тушиб, тахминан, икки ойдан сўнг, Қарши шаҳрига юборилиб, онда (зиндонда) бир неча кун ётқондан кейин, мазкур Тоғайбек томонидан шаҳид қилинган.

Бек Беҳбудий ва йўлдошларини ҳузурига чақириб: «Сизлар на учун қўлга

тушдингиз?», деб сўраган. Беҳбудий афандилар: «Бизлар Байтуллони зиёрат қилмак учун Самарқанддан чиққан эдик. Йўлда амир маъмурлари: «Сизлар жадид, кофир ва «тилчи», деб бизни қўлга олдилар». Бундан бир неча кун ўтгандан сўнг, Содиқжон амирдан бекка қатл буйруғи келганлигини афанди, ўзининг ҳаётидан умидини узиб, йиғлай-йиғлай Беҳбудий афандиларға билдирган, сўпгра Беҳбудий тубандаги «Васиятнома»ни «ёзиб, Содиқжонға топширмак учун Аҳмадға берган ва ҳар қандай йўл ила бўлса-да, шул васиятномани Самарқандға юборишни ўтинган. Васиятноманинг остида бошлаб, Беҳбудий афандининг ўзи, сўнгра Мардонқул ва Муҳаммадқул афандилар қўл кўйганлар.

ВАСИЯТНОМА ушбудур:

«Эй, Туркистон Маориф ишларида бўлган ўртоқ ва ўғлонларим! Манни ўзим гарчанд банди бўлсам-да, сизларни зсимдан чиқармайман ва сизларга бир оз васият қилиб ўтаман. Мен севар ўртоқларим! Маним сўзларимни қулоқларингизға олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳарларида банди бўлиб юриб, ахир ўн кундан бери бир ерда (Қарши шаҳрида) бу золимларнинг қўлиға тушиб банд бўлдик. Жадид — кофирлик отини кўтардик. Сиполар ичида тилчилик отини кўтардик. Бу ердан қутулмоғимиз гумон бўлди. Ўртоқларим Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қори ва Ақобир Маҳдум ва ўғлонларим Вадуд Маҳдум, Абдулқодир Шақурий!

Сизларға васият қиламан: Маориф йўлида ишлайтурган муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифға ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз!

Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингангизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни золим беклардан талаб қилингангизлар! Маорифки Бухоро тупроғига жорий қилингангизлар!

Бизнинг отимизға мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоқда қабримизда тинч ётурмиз. Маним ўғлонларимға салом еткурингизлар! Бу ҳамроҳларнинг авлодларидан хабардор бўлинглар! Ушбу васиятларимни ёзиб Аҳмадға бердим».

Бу васиятномадан 3—4 кун ўтар-ўтмас, бек Беҳбудий афанда ва йўлдошларини ҳам Аҳмадий ўлдирурға Оуюрғон ва алар зиндоннинг ёнидаги подшоҳлик бу чорбоққа юборилганлар. Шунда аларнинг қатллари ўзларига билдирилган ва ўзлари учун шу боғда тўрт қабр қаздирилган. Сўнгра Беҳбудий афанди ва йўлдошлари таҳорат олиб, намоз ўқимоқчи бўлганлар. Лекин шул чоғда, раҳмсиз жаллод маҳовийлари ила етишуб келиб, аларни намоз ўқирға қўймаган ва энг аввал Беҳбудий ҳазратларини жойнамоз устида бошини кесган. Бу ҳолни кўриб, Мардонқули, Маҳаммадқули ва Аҳмад афандилар тавҳид ва шаҳодат калималарини ўқиб, ўлимни кутиб турганлар. Андан кейин жаллод аларнинг бошини бир-бир кесган, сўнгра бекнинг хизматкорлари мазкур шаҳидларнинг нишларини чиқариб, ўзлари қазғон қабрларға кўмганлар ва қабрларни (билинмасун деб) ер ила тегиз этганлар.



Бекнинг маҳрами Содиқжон, бу воқеани бошидан охиригача кўрган ва билгани учун ҳам, Беҳбудий афандиларға мухлис бўлғонидан шу воқеани бир дафтарчада айнан ёзиб қўйган ва ондан ўртоқ Ҳожимурод кўчириб олиб, бу фожиани театр шаклида тартиб этуб, «Маориф қурбонлари»ни кўйган.

Уч пардадан иборат бўлган мазкур рисола биз кўрдик. Рисола керак ибрат, керак саҳнага қўйиш жиҳатдан хили нуқсонлидир. Агар бу рисола театр олаmidан хабардор бўлган бирор кишининг қалами ила тузатилса, биринчи театру рисоласи қаторига кириши шубҳасиздир.

Ўртоқ Ҳожимуроднинг сўзига кўра, мазкур Содиқжон 1920 йил 21 декабрда амир томонидан Шаҳрисабз, Китоб ва Ғузор тарафларида қўзғатилган аксил ҳаракатчилик вақтида, исёнчилар тарафидан Шаҳрисабзда ўлдирилган. Шунинг ила Содиқжон ёзган воқеа ила васиятноманинг асл нусхасида ўшал чоғда йўқолиб кетган.

Самарқанд
Ҳожи Муин Шукрулло ўғли,
1922 йил, 7 январь

SHAYX MO'MIN SHEROZIY HAQIDA RIVOYAT Alisher Navoiy: «Nasoyim ul-muhabbat»dan

Shayx ul-islom debdurki, Ismoil Dabbos dedikim haj niyati qilib borurda Sherozg'a yetishdim. Bir masjidqa kirdim. Shayx Mo'minni ko'rdumki, o'lturub, xirqasin yamaydur erdi. Salom qildim va o'lturdim.

Mendin so'rdikim:- Ne niyating bor?

Dedim: - Haj niyatim bor

Dedi: - Onang bor?

Dedim: - Bor!

Dedi: - Yonib (shoshib) onang mulozamatig'a bor!

Bu so'z menga xush kelmas erdi.

Dedi: - Ne to'lg'anasen? Men ellik haj qilibmen, bosh yalang, oyoq yalang va zodu hamrohsiz. Barchasin senga berdim. Sen onang ko'ngli shodlig'in menga ber!

OCH BO'RI (Ertak)

Bor ekanda yo'q ekan, och ekanda to'q ekan, bir och bo'ri bo'lgan ekan. Kunlardan bir kuni u don yeb yurgan bir xo'rozni ko'rib qolibdi. Bo'ri xo'rozni ushlab payiga tushibdi. Xo'roz qanotini yozib qaq-qaq, deyman deb turgan ekan, bo'ri lip etib kelib xo'rozning qanotidan tishlab olibdi. Xo'roz ko'rsa, bo'ri uni mahkam ushlab turgan emish. Shunda xo'roz so'rabdi:

— E bo'ri, meni nima qilmoqchisan?

— Men seni yeyman, — debdi bo'ri.

— Meni shundayligimcha yesang hech maza qilmaysan, yeydigan bo'lsang kashnich, piyoz bilan yeginki, dunyoda bir maza qilgin, — debdi xo'roz.

Bo'ri:

— Kashnich, piyozni qaerdan topaman? — debdi.

Xo'roz:

— Kashnich, piyozni shu yaqin oradagi qishloqdan topasan, sen borib kelaver, men seni shu yerda poylab turaman, — debdi. Bo'ri kashnich, piyoz izlab qetishi bilanoq xo'roz parillab uchib ketibdi.

Bo'ri kashnich piyozni qiynalib-qiynalib, zo'rg'a topib kelibdi. Qarasa, xo'roz yo'q emish. U yoqqa yuguribdi, bu yoqqa yuguribdi, nihoyat xo'rozni topolmay, nochor yo'lga tushibdi.

Bo'ri bir yerdan o'tib ketayotgan ekan, bir qo'zi o'tlab turganini ko'ribdi, sekin kelib qo'zini ushlab olibdi.

Qo'zi:

— E bo'ri, meni nima qilmoqchisan? — debdi. Bo'ri:

— Men seni yemoqchiman, — deb javob beribdi.

— Mening quruq go'shtimni yeganing bilan hech maza qilmaysan, yaxshisi borib konning tuzidan olib kel, shundan keyin go'shtimni maza qilib yeb, armondan chiqasan, — debdi qo'zi.

Bo'ri qo'zini shu yerda qoldirib, kondan tuz olib kelgani jo'nab ketibdi. Shu paytdan foydalanib qo'zi qochib qolibdi. Bo'ri sarson-sargardon bo'lib kondan tuz olib kelsa, qo'zi qochib ketgan emish. Qo'zini toza izlabdi, axiri topolmay yana yo'lga tushibdi. Bo'ri keng cho'lda yugurib ketayotgan ekan, unga bir ot ro'para kelib qolibdi. Bo'ri tez-tez yurib, otning oldiga o'tib olibdi. Ot bo'riga yaqin borib, uni iskagan ekan, bo'ri chaqqonlik bilan otning tumshug'iga yopishib olibdi. Ot xo'p unnab ko'ribdi, lekin u o'z tumshug'ini och bo'ridan ajratib ololmabdi. Keyin ot bir hiyla qilmoqchi bo'libdi.

— Ey bo'ri, nima qilmoqchisan? — debdi.

— Men seni yemoqchiman, — debdi bo'ri.

— Unday bo'lsa, — debdi ot, — avval mening orqamga o't, otam o'lmasdan avval tuyog'imga bir nasihatnoma yozib qoldirgan edi. Shu nasihatnoma senga tegishli, sen shuni o'qib olib, so'ngra meni yeya ber, — debdi. Bo'ri otning tumshug'ini bo'shatib, uning orqasiga o'tibdi, otning tuyog'idagi xatni o'qiyman deb termilib, mahliyo bo'lib turgan vaqtida ot oyog'ini ko'tarib, bo'ring og'ziga bir tepibdi.

— Ey savodsiz, xatni o'qiyolmasang nimaga orqamga o'tding? — debdi ot.

Haqiqatan ham bo'ri savodsiz ekan. Otning qattiq tepkisidan bo'ring og'zida bitta ham tishi qolmay sinib ichiga ketib qolibdi. Bo'ring tumshuqlari majaqlanib esini yo'qotib gangib qolibdi, bir vaqt hushiga kelibdi. Bo'ri aqlini rostlab o'ziga-o'zi ta'zir berib debdi:

— Ko'rdingki xo'roz, senga kim qo'yibdi kashnichu piyoz, ko'rdingki qo'zini, senga kim qo'yibdi konning tuzini, ko'rdingki ot, yeb yonida yot, xat bilmasang ketiga o'tib mirza bo'lishing uyat, — deb aljirab-aljirab o'lib qolibdi. Xo'roz, qo'zi va ot dushmandan qutulib qolishibdi.

SUDOKU

			1		4			
		1				9		
	9		7		3		6	
8		7				1		6
3		4				5		9
	5		4		2			3
		8				6		
			8		6			

	2						4	3
	5		3		7	6		
		6		2				
		3		4	8			9
				6				
	9		1	5		2		
				1		3		
		8	5		6			1
7	1							5

Рауф ПАРФИ

*Деразамга урилади қор,
Жаранглайди жаранғисиз кумуш.
Деразамга урилади қор,
Қор синғари оппоқ бўлди туш.*

*Бир ажойиб қор ёғар бу кеч,
Учиб тушар менинг ёнимга...
Мен-ку, сени ўйламасман ҳеч,
Сен тушасан аммо ёдимга...
1963*

*Айланиб тушар қор ўйлимга...
Қўлингни қўйгил ёр, қўлимга.
Сен қолдинг муҳр каби лабимда.
Сен- бир дард асабий, қалбимда.
Кўзимга беркитай ва лекин
Ёшдай оқиб кетма, севгимим.
1963*

*Паға-паға оппоқ қор ёғар,
Боғлар киймиш илохий либос.
Юрагимни бир оташ доғлар –
Қуёш тутиб келаётир ёз.
Нима бўлди? Кипригинг намли,
Кўзларингда яширин асрор.
Девордаги суратим қани?
Нима бўлди? Қалбингда не бор?
Ёғар оппоқ, паға-паға қор,
Дардим қорлар каби сочилар.
Хув, йироқда гуллаган баҳор
Бўйлари кўксимга санчилар...
1969*

Professional & Affordable COMPUTER REPAIR & Services

- Operating System Install / Repair
- Virus and Spyware removal
- Windows system Optimization
- Recovering deleted documents
- PC Hardware Replacement
- Parental Controls

Antivirus
Program
For Free

+ Diagnosing
& Optimizing
at NO COST



T: (347) 470-0797



ТЕРАПЕВТ

Жанна Цукерман, MD

Врач наивысшей категории по лечению внутренних болезней.



АНАЛИЗ
ТЕСТЫ

ОБСЛЕДОВАНИЯ

НАШ СЕРВИС

- Диагностика общего состояния здоровья
- Определение риска сердечно-сосудистых заболеваний
- Анализ на заболевания передающиеся половым путем
- INR, анализ мочи
- Кардиограмма
- Маммография
- Тестирование нервной системы
- Профилактическая медицина
- Диабет и нарушение обмена веществ
- Лечение легочных заболеваний
- Лечение кожных заболеваний
- Физиотерапия и массаж
- Лечение гипертонии и других сердечно-сосудистых заболеваний
- Избавляем от пристрастия к курению и др. вредным привычкам и зависимостям
- Экспресс тесты
- Сонограмма
- CTscan, MRI, X-Ray
- Тесты на аллергены
- В офисе оформляется Medicaid
- Второе мнение (second opinion)
- Косметология (Botox, филлеры и др.)
- Советы диетолога и др. специалистов
- Внутривенные капельницы, прививки

“

**Индивидуальный
подход к каждому
пациенту!**

**ПРИНИМАЕМ ВСЕ
ОСНОВНЫЕ СТРАХОВКИ**
Medicare и Medicaid

**ОФИС РАБОТАЕТ
7 ДНЕЙ В НЕДЕЛЮ.**
А так же в вечерные часы

**514 OCEAN PARKWAY,
BROOKLYN, NY 11218**
T: 718-484-7040

**ПРИЕМ БЕЗ ОБРАЩЕНИЯ
БЕЗ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЙ
ЗАПИСИ**

BRAMSON | RT
COLLEGE www.BramsonORT.edu

QUEENS CAMPUS
69-30 Austin Street, Forest Hills
877-404-5373
Zoya Yakubova ext. 178

BROOKLYN CAMPUS
8109 Bay Parkway, Brooklyn
877-472-1097
Tatyana Golovko ext. 233

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN (MAC & PC)
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

**GET YOUR
DEGREE!**

**LOW
TUITION!**

**REGISTER
TODAY**

**EDUCATION is
The SECRET to
SUCCESS!
Invest in YOUR
FUTURE!**

- ✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ
- ✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ
- ✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ
- ✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on www.BramsonORT.edu

**Open House
May 6th, 2012
12 - 4 pm**